

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 89.091
ББК: 83.3.(0)9
Р - 30

РАҲМАТУЛЛАЕВА ДИЛНОЗА АНВАРОВНА

**“ЛУББИ ЛУБОБ” АСАРИНИНГ РУМИЙ
“МАСНАВИЙ”СИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ**

5А220104 – Адабий манбашунослик ва матншунослик

МАГИСТР

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: т.ф.д. М.Ҳасанов

Диссертацияда “Лубби лубоби Маснавий” асари, унинг муаллифи ҳамда мазкур асарнинг Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарини ўрганишдаги аҳамияти аниқланади.

Тошкент – 2012

Ҳимояга рухсат берилди:

Магистратура бўлими бошлиғи:

ф.ф.н., доц. А.Ҳабибуллаев

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. XV АСРДА ХУРОСОНДАГИ СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ЖАРАЁН	12
1.1. Воиз Кошифийнинг ҳаёти ва фаолияти	18
1.2. Воиз Кошифийнинг илмий ва адабий мероси	24
II БОБ. “ЛУББИ ЛУБОБ”НИНГ ЁЗИЛИШ ТАРИХИ	30
2.1. “Лубби лубоб”нинг тузилиши	32
2.2. “Маснавий” билан “Лубби лубоб”нинг орасидаги фарқ	48
III БОБ. “ЛУББИ ЛУБОБ”НИНГ ҚЎЛЁЗМА ВА ТОШБОСМА НУСХАЛАРИ	72
3.1. “Лубби лубоб”нинг ЎзРФАШИ фондида сақланаётган қўлёзма нусхалари	72
3.2. “Лубби лубоб”нинг тошбосма нусхалари	77
ХУЛОСА	79
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати	83

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. “Форс-тожик адабиёти жуда бой ва ажойиб тарихга эга. Бу адабиётнинг истеъдодли намоёндалари, форс-тожик адабиётининг классиклари – Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Умар Хайём, Муслиҳиддин Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий ва Мирзо Бедил каби шоирларнинг номи аллақачонлардан бери дунёга маълум ва машҳур бўлиб, уларнинг нодир асарлари жаҳон адабиёт хазинасини бойитган”.¹ Ушбу адабиёт хазинасини бойитишда эса фақат ҳозирги тожиклар ва эронликларнинг аجدодларигина эмас, ўзбеклар ва озарбайжонликларнинг ота-боболари ҳам, шунингдек, Шимолий-Ғарбий Ҳиндистонда яшаб ижод этган шоирларнинг ҳам ҳиссалари бор. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, ўрта асрларнинг Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий ва Навоий каби буюк сиймоларининг фаолияти муҳим ўрин тутди. Уларнинг фаолиятини ва илмий меросини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш эса бугунги кунимизнинг адабий тараққиётини юқори чўққиларга кўтарилишига олиб чиқа олади. Бу борада юртбошимиз Ислоҳ Каримов ҳам ўзларининг қуйидаги фикрларини таъкидлаб ўтадилар: “Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Буюк аجدодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир”.²

Мустақиллик шарофати ила кўп асрлик маданиятимизнинг бебаҳо бойликларидан тўла-тўқис баҳраманд бўлиш бахтига эришдик. Дунёга танилган фан ва санъатимиз, адабиётимизнинг бой тарихини, буюк алломаларимиз, шоирларимиз меросини атрофлича ва теран ўрганиш учун кенг имкониятларга эга бўлдик. Ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар

¹ Шомухамедов Ш. Мумтоз форс адабиёти (X-XV асарлар): Ўқув қўлланма. –Т.: 2011. –Б.3.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б. 61-62.

президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларида ўз ёрқин ифодасини топган: “Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохатларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир”.³

Ўзбек олимларининг куч-ғайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп ғоят муҳим саҳифалари, энг аввало Темурийлар даври маданияти янгида кашф этилди. XV асрнинг иккинчи ярми – “Темурийлар даври, ҳақиқатан ҳам, илм-фан, маданият ва маорифнинг беҳад раванг топишини таъминлаган Шарқ уйғониш даври эди”. Ўзбекистон Республикаси Президенти мухтарам Ислом Каримов томонидан жуда адолатли тарзда баҳоланган бу давр илмий-адабий муҳитини чуқур ўрганиш ва ёритишга хизмат қиладиган қимматбаҳо илк манбалар мавжуд-ки, улар ўша даврда яшаб ижод этган шоир, насрнавис ва тарихчиларнинг бизгача етиб келган меросларидир. Бу давр ёзма ёдгорликларидаги маълумотлар яхлит тарзда ўрганилганда давр адабий муҳити, унинг хусусиятлари ҳақида аниқ хулосаларга келиш мумкин. Шунинг учун уларнинг айримларини назардан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Мир Ҳусайн Муаммоий, Сайфий Бухорий, Муҳаммад Бадахший, Ғиёсиддин Хондамир, Султон Али Машҳадий, Ҳусайн Воиз Кошифий ва бошқа кўплаб алломаларнинг асарларида давр адабий-илмий муҳити ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Муҳаммад ибн Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Ғиёсиддин Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” асари, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва бошқа яна бир неча асарлари, Бобурнинг “Бобурнома” каби кўплаб асарлар ўша давр илмий-адабий муҳити тўғрисида ҳамда ўша даврнинг маданий тараққиётига улкан ҳисса қўшган етук алломалар ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Бугунги кунда мана

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 76-77.

шундай асарларни ўрганиш, улар устида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва улардан намуна сифатидаги бугунги кунимиз учун зарур бўлган бошқа замонавий асарлар яратиш ишлари олиб борилмоқда. Лекин илмий меросимизнинг барчаси ҳали-ҳануз тўлалигича ўрганиб чиқилгани йўқ. Илмий меросимиз хазинасидаги ноёб асарларнинг ўзи бутун бир оламдир. Улар орасида шу кунгача сақланиб келинаётган ва ҳали тўлиқ ўрганиб чиқилмаган ноёб асарлардан бири “Лубби лубоби Маснавий” асаридир. Ушбу асар Ҳусайн Воиз Кошифийнинг қаламига мансуб бўлиб, Мавлоно Жалолидин Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарига қисқа шарҳ тарзида ёзилган асар ҳисобланади. Ҳусайн Воиз Кошифий буюк мутуфаккир Алишер Навоийнинг атрофига йиғилган машҳур алломалардан бири бўлиб, ушбу ноёб асарини форсий тилда яратган. Асарнинг ноёб ва қимматли томони шундаки, асарни ўрганиб чиқиш орқали нафақат асарнинг ўзи, балки Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асари тўғрисида ҳам тўла тушунчага эга бўлиш мумкин. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, асарда одоб-ахлоқ масалалари билан тасаввуф илмига оид масалалар батафсил ёритилади. Уларга мисол тариқасида ҳикоят, ривоятлар билан бирга “Қуръон” тафсирининг сура ва оятлари, шу билан бирга ҳадислардан намуналар ҳам келтирилади. Асарда баён этилувчи барча тушунча ва масалалар инсонни инсонпарварлик, поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ каби барча эзгу ишлар сари етаклайди. Бундай асарларни ўрганиш эса бугунги кунимизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро бизнинг халқимиз ҳам қадимдан ахлоқ-одоб масаласига катта эътибор қаратган. Ахлоқ илми миллий маънавиятимиз доирасида турли даврларда турлича йўналишларда ривожлантирилган. Бу ҳақда президентимиз Ислам Каримов ўзларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида ушбу фикрларини баён қилиб ўтадилар: “Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб

яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда”⁴.

Юқоридаги айтиб ўтилган жиҳатлардан келиб чиқиб, шу пайтгача Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Лубби лубоби Маснавий” асари махсус тадқиқот объекти қилиб олинмаганлиги ушбу амалга оширилган илмий ишимизнинг долзарблигини белгилашга асос бўлади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг асарларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ҳамда Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарини ўрганилишида ушбу “Лубби лубоби Маснавий” асарини ўрганиш жуда ҳам муҳимдир. Аммо, афсуски, ушбу ноёб асар ҳали тўлиқ ўрганилган эмас. Фақатгина “Маснавийи Маънавий” асарини ўрганишга қизиққанлар ушбу асар билан танишиб чиққан бўлишлари мумкин, аммо асар устида алоҳида тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Ўрганилаётган давр адабий-маданий муҳити, муаллиф ва унинг асарларини ёритишда, айниқса, А.Тагирджановнинг хизматлари катта. Улар Кошифийнинг 26та рисоласи мавжудлигини келтириб ўтадилар.⁵ Ундан ташқари Алишер Навоий⁶, Хондамир⁷, Табризий⁸, Огаҳий⁹ каби шоир ва алломалар ҳам унинг ижодига қизиқиб, баъзи керакли маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Эронда ҳам унинг кўплаб асарлари ўрганилиб, чоп эттирилган. Эрон олимларидан Сайид Муҳаммад Нойиний ва Деххудолар Кошифийнинг илмий ва адабий меросига катта эътибор берганлар. Деххудо Кошифийни 38та рисолаининг муаллифи бўлганлиги ҳақида малумот келтириб ўтади.¹⁰

Кейинчалик мутафаккирнинг шеърят назариясига бағишланган рисоласи нашрдан чиқади.¹¹ Ундан ташқари М.Аҳмедов¹², М.Бехруз¹³,

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 7.

⁵ Тагирджанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей. –Л.: 1962. –С. 100-106.

⁶ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 13-том. –Т.: Фан, 1992. –Б. 119.

⁷ Хондамир. Ҳабиб ус-сияр. III жилд, III қисм. –Бомбей, 1856-1857.

⁸ Муҳаммад Али Табризий. Райҳонат ул-адаб. IV жилд. –Техрон, 1331.

⁹ Огаҳий. Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асарининг ўзбекча таржимаси. 1858.

¹⁰ Али Акбар Қазвиний. Луғатномаи Деххудо. –Техрон, 1334/1994. –С. 15882-15883.

¹¹ Камал ад-дин Ҳусайн Ваиз Кашифи. Бадаи ал-афкар фи санои ал-ашъор (Новые мысли о поэтическом творчестве). На персидском языке. – М.: Наука, 1977.

О.Усмонова¹⁴ каби тадқиқотчилар Кошифийнинг асарлари юзасидан илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Лекин Кошифийнинг “Лубби лубоби Маснавий” асари юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда мавжуд бўлган “Лубби лубоби Маснавий” асарининг қўлёзмалари ва иккита тошбосмаси ҳақида тавсифлар XX асрнинг иккинчи ярмидан кейинги давридаёқ Ўз ФА Шарқшунослик институтида сақланадиган қўлёзмалар тавсиф каталогига киритилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мазкур тадқиқотимизда Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ҳаёти ва адабий мероси, унинг “Лубби лубоби Маснавий” асари ва унинг тузилиши ўрганиб чиқилиб, Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асари билан солиштирилди. Натижада ушбу икки асарнинг тузилишида ва таркибидаги ҳикоят ва ривоятларнинг мазмунига кўра фарқ қилувчи жиҳатлари кўрсатиб берилди. “Лубби лубоби Маснавий” асаридаги маълумотлар асосида тасаввуф илмига оид тушунча ва масалалар баён қилинганлиги ҳамда уларга келтирилган шеърий байтлар “Маснавийи Маънавий” асарининг таркибидаги шеърий байтлардан олинганлиги аниқланди. “Лубби лубоби Маснавий” асари Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарини ўрганишда жуда муҳим ўрин тутиши исботланди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг асосий мақсади “Лубби лубоби Маснавий” асари, унинг муаллифи ҳамда мазкур асарнинг Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарини ўрганишдаги аҳамиятини аниқлашдан иборатлиги белгилаб олинди. Чунки Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Лубби лубоби Маснавий” асари ўз даври мутахассислари орасида машҳур бўлганига қарамай, у ҳозиргача махсус тадқиқ этилмаган.

¹² Аҳмадов М. Мундариҷаи ғоявийи баъзи бобҳои “Анварӣ Суҳайли”. Чанд мулоҳизаи адаби. Чилди 96. –Душанбе, 1973.

¹³ Бехруз М.Х. Ҳусайн Ваиз Кашифи и его произведение эпистолярный стиль (XIV-XVвв.) Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. –М., 1970.

¹⁴ Усмонова О.Р. “Ахлоқи Муҳсинӣ” Ваиза Кашифи (Тезисы доклада) // Сборник “Материалы научной конференции профессорско-преподавательского состава университета”. Сб. Научн. Трудов. –Т., 1966.

Ана шу мақсадга эришиш учун диссертация олдига қуйидаги амалий вазифалар қўйилди:

- Хусайн Воиз Кошифий ҳаёти ва фаолияти, адабий мероси ва унинг Ўрта Осиё ва Хуросон адабий муҳитида тутган ўрнини аниқлаш;
- “Ўубби љубоби Маснавий” асарининг ёзилиш тарихи ва тузилишини ўрганиб чиқиш;
- “Ўубби љубоби Маснавий” асарини “Маснавийи Маънавий” асари билан солиштириб, улар орасидаги фарқ қилувчи жиҳатларини таҳлил қилиш;
- “Ўубби љубоби Маснавий” асарининг қўлёзма нусхаларини тадқиқ қилиш, уларнинг тарқалганлик даражасини белгилаш;
- асарнинг тошбосма нусхаларини аниқлаш ва уларни тавсифини бериш;
- мавзуга яқин тадқиқотлар илмий хулосаларини таҳлил қилиш;
- асарнинг нашр қилинган нусхалари билан танишиш;
- “Ўубби љубоби Маснавий” асарининг адабиёт тарихига қўшган ҳиссасини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти ва манбалари. Тадқиқот ишимизни олиб боришда манба сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида сақланаётган “Ўубби љубоби Маснавий” асарининг 13397 рақамли тошбосмаси ҳамда “Маснавийи Маънавий”нинг 14418 рақамли тошбосмаларидан фойдаландик. Шунингдек, ушбу тадқиқотимизга Кошифий асарларининг фондда сақланаётган қўлёзма манбалари асос қилиб олинди. “Ўубби љубоби Маснавий” асарини “Маснавийи Маънавий” асари билан солиштиришда Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг 6 жилдлик “Маснавийи Маънавий”нинг ўзбекча таржима асарида¹⁵ асосий манба сифатида фойдаланилди. Ундан ташқари, “Ўубби љубоби Маснавий” асаринининг таркибидаги тасаввуф илмига оид тушунча ва сўзларни, ҳикоят

¹⁵ Жалолиддин Румий. Маънавий Маснавий. Форсийдан Аскар Маҳкам таржимаси. I жилд, I китоб (таржима шарҳи билан). –Т.: Шарқ, 1999; Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. 6 томлик. –Т., 2001-2004.

ва ривоятларни таржима қилишда Ю.А.Рубинчик таҳрири остидаги 2 жилдлик “Персидско-русский словарь”¹⁶ ҳамда М.Муиннинг “فرهنگ فارسی”¹⁷ номли луғатларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий методи. Тадқиқотни амалга оширишда қиёсий ва таҳлилий методлардан фойдаланилди. Шунингдек, асарларнинг тошбосма нусхаларидан келтирилган насрий мисоллар ўзбекча таржималари билан бирга берилди.

Манбашунослик ва матншунослик бўйича ишлаб чиқилган илмий хулосалар магистрлик диссертациясини бажариш жараёнида асосий восита бўлди. Тадқиқотни амалга оширишда муаллиф адабий муҳитини таҳлил этиш учун биографик усул, асар қўлёзмаларини ўрганишда эса тадқиқотнинг манбашунослик ва матншунослик усулларидан фойдаланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг асарларида баён этилган буюк ватандошларимизнинг илмий меросини ўрганиш ҳақидаги кўрсатмалари, илм-фан, адабиёт, санъат, маърифат ва маънавият, адабий меросни янада бойитиш масалаларига доир назарий мулоҳазалар тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этади.¹⁸

Илмий ишни тайёрлашда, асосан, Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари, диссертациялар, илмий рисоалар ва бошқа турли тадқиқот ишлари, бадиий асарларнинг илмий тадқиқига бағишлаб ёзилган илмий мақолаларга таянилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. “Ўлубби љубоби Маснавий” асарида баён қилинувчи одоб-ахлоқ, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик каби тушунчаларни ўрганиш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади ва шунинг учун ҳам муқим бир давр адабиётининг бой маълумотларга эга бўлган бундай манбаларни чуқур тадқиқ қилиш давр талабидир.

¹⁶ Персидско-русский словарь. В двух томах под редакции Ю.А. Рубинчика. –М., 1985.

¹⁷ محمد معین. فرهنگ فارسی. –تهران: آدنا، ۱۳۸۱.

¹⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 104, 139.; ўша муаллиф. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 3-54.; ўша муаллиф. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б. 31-261.; ўша муаллиф. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 132-154.

Ушбу тадқиқот иши Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарини ўрганишда ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади. Ҳар икки асар ҳам тасаввуф илми ва тасаввуфшунослик учун керакли манба ҳисобланади. Шунингдек, у шарқшунослар, филологлар, манбашунослар, тарихчилар билан бир қаторда, кенг доирадаги қизиқувчилар учун ҳам аҳамият касб этиши мумкин. Ундан олий ўқув юртларида, ўқув жараёнида, талабаларга адабиётдан маъруза ва амалий машғулотлар давомида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация иши кириш, асосий қисмни ташкил этувчи учта боб, умумий хулосалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. XV АСРДА ХУРОСОНДАГИ СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ЖАРАЁН

XIV-XV асрлардаги Хуросон ва Мовароуннахрдаги маданий тараққиётнинг тамал тошини буюк соҳибқирон Амир Темур қўйган эди. Бу даврда Амир Темур давлатининг таъсирида бўлган ва бўлмаган бошқа мамлакатлар ўртасида маданий алоқалар тез ривожландики, бундай алоқалар маънавий бойликларни ўзаро алмашишга кенг йўл очиб берди. Эрон, араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатлар билан бўлган алоқаларда маданий бойликлар алмашинуви ҳам муҳим аҳамият касб этди. Темур ва темурийлар даврида халқ оғзаки ижоди намуналари яратилди. Адабиёт бадиий услуб жиҳатидан такомиллашди, адабиётшунослик ва тилшуносликка оид илмий асарлар яратилди. Ўзбек таржима адабиёти вужудга келди.

XV асрларга келиб Хуросонда ўзбек тили, адабиёти ва маданиятининг мавқеи орта борди. Хуросондаги туркийзабон халқлар ва уларнинг зиёлилари Самарқанд, Бухоро, Туркистон ва бошқа шаҳарлардаги олимлар, шоирлар ва санъаткорлар билан ўзаро жуда яқин муносабатда бўла бошладилар. Қайси ижодкор ўзига қайси мамлакат ёки шаҳарни қулай деб билса, ўша ерда яшаб ижод қилди. Масалан, хоразмлик шоирлар Хайдар ва Ҳофиз Хоразмийлар Шерозга, Исмоил Ота авлодларидан бўлган шоир Шайх Атоий Турбатдан (Тошкент яқинидан) Балхга, Мавлоно Лутфий ҳам асли Тошкентдан бўлиб, Ҳирот яқинига бориб яшаб қолганлар. Бу даврда етук ижодкорлар Қутб, Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Амирий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ ва бошқалар яшаб ижод қилди. Айниқса, ўзбек ёзма адабиётининг дунёвий кўламини Алишер Навоийнинг ижоди камолот босқичига кўтарди. Темур ва унинг авлодлари адабиёт ва санъатга, илм-фанга яқин кишилар эди. Темурийлардан 22 нафар ижодкор-шоир бўлиб, улар ўзлари шеър ёзиш билан бирга ижодкорларга ҳомийлик ҳам қилган. Ҳалил Султон, Ҳусайн Бойқаро кабилар ўз шеърларидан девон тузганлар. Хуросонда форсий ва туркийда ҳам иккала тилда ижод қилувчи шоирлар кўп бўлиб, адабий ҳаёт юксалади. Шарқ классик адабиёти таржималарига ҳам

эътибор кучаяди. “Чаҳор маноли” каби адабиёт назариясига оид асарлар яратилган. Бадиий ижоднинг ғазал, рубоий, туюқ каби турлари ривож топган. Адабий жараёнда шоҳлар ҳам, оддий косиб ва ҳунармандлар ҳам, олим ва фозиллар ҳам қатнашган. Хуросондаги адабий ҳаётнинг ривожига Бойсунғур Мирзо (Шоҳруҳнинг ўғли) нинг ўрни бекиёс бўлиб, у ўз ташаббуси билан фанларнинг барча соҳаларига ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган. Унинг раҳбарлигида Фирдавсий “Шоҳномаси”нинг кўп қўлёзмаларини қиёслаш асосида ишончли илмий матни яратилди. Бойсунғурнинг ўзи ҳам форсий ва туркийда шеърлар ёзган. Хуллас, XV аср ўрталарида Хуросонда ўзбек адабиётининг янги мактаби юзага келди.

XV асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг энг ривожланган даври бўлиб, бу юксалик Ҳусайн Бойқаро ва ўзбек адабиётининг порлоқ қуёши Навоий номлари билан боғлиқ. Бойқаро ҳукмронлиги даврида адабиёт, санъат ва фаннинг кўп соҳалари ривожига катта аҳамият берган. “Ҳусайний” таҳаллуси билан шеърлар ёзган бу улуг зот ўз ҳукмронлиги давомида Навоийга “муқарраби ҳазрати султоний” мансабларини бериш билан биргаликда маданиятнинг ривожланишига ҳомийлик қилган. Навоий устози Жомий билан ҳамкорликда маънавият тараққиётига раҳнамолик қилди. Улар тимсолида бадиий адабиёт энг буюк ютуқларга эришди. Навоийнинг “Хамса” ва “Ҳазойин ул-маоний” девони, Жомийнинг “Ҳашт авранг” ва шеърий девонлари шу давр адабиётининг энг буюк намуналари бўлди. Ҳусайн Бойқаро ўз “Рисола”сида ўз ҳукмронлиги даврида шундай асарлар яратилганидан чексиз фахрлангани бежиз эмас. Бу бой адабий мерос ўзбек адабиёти, айниқса, Навоий ижоди мисолида адабий жанрлар ранг-баранглиги нуқтаи назаридан ҳам энг юксак чўққига кўтарилди. Ўзбек адабий тили шаклланди. Ўзбек назми ва насридаги адабий услубнинг хусусиятларидан бири адабий ва илмий асарларда фикр ифодасида форсий ва арабий сўз ва иборалардан, атамалардан, форсий тилга хос жумла тузилиш қоидаларидан кенг фойдаландилар.

Хуросонда XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда рўй берган маданий юксаклик бутун мусулмон Шарқигина эсас, Оврупо мамлакатларини хайратга солди. Бу юксаклик Марказий Осиёнинг сўнгги маданий-маънавий ривожинигина белгилаб бермай, қўшни мамлакатлардаги маданий тараққиётга ҳам катта туртки берди. Кейинчалик бу адабиёт ва маданият соҳасидаги анъаналар Бобурийлар томонидан Афғонистон ва Ҳиндистонда, XVIII-XIX асрларда Хоразм ва Қўқон хонлигида ривожлантирилди. Бу даврдаги маданий юксалишнинг умумий омилларини аниқлаш шуни кўрсатадики, улар ўзаро узвий боғланган ва яхлит бир бутун ҳолдагина қисқа вақт ичидаги маданий-маънавий юксаклигини юзага келтира олган. Бу давр адабиёти ўзбек адабиёти ривожига ўзига хос алоҳида бир босқични ташкил этади. Ундаги улуғвор инсонпарварлик ва халқчиллик, адолатпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари ҳамон ўз тароватини йўқотгани йўқ. Бу адабий мерос Ўзбекистонда ҳали асрлар давомида ўзининг бой мазмуни билан, ғоявий-мафкуравий теранлиги ва илоҳийлиги билан комил инсонни тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Яратилган адабиёт тасаввуфнинг адабиёти даражасини белгилади. Адабиёт тасаввуфнинг ғоявий мазмунида илоҳий масалаларни қамраб олиб, умуминсоний тафаккурни ифодалади. Энг муҳим таъсир кўрсатган омилларни айтадиган бўлсак, *биринчи* сиёсий-ижтимоий омилни кўрсатиш мумкин. Хуросонда тарқоқ, ўзаро низо ва урушлар натижасида турли вилоят, амирликларга бўлиниб кетган ва келгинди хукмронлар-мўғуллар томонидан аёвсиз эзилган халқнинг мустамлакачиликдан қутулиши, мамлакатда ягона бирлашган давлатнинг барпо этилиши, ягона давлатчилик асосида бошқариш қоидаларининг жорий этилиши, зўравонликлар, ўзбошимчаликлар каби иллатларнинг тугатилиши ижтимоий юксалиши таъминланди. *Иккинчи*, иқтисодий омил – Хуросонда ягона идора тизимининг жорий этилиши ва иқтисодий осойишталик ишлаб чиқаришнинг сўнгги ривожланишига олиб келди. Давлат томонидан деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотиқнинг ривожига эътибор берилиши ва бу соҳада қатор тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг

маънавий-маданий тараққиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди. *Учинчи*, маънавий омил – аввал маданий мерос, маънавий қадриятлар, бойликлардан кенг фойдаланиш, улар асосида ривожланишни амалга оширишдан иборат бўлди. Марказий Осиёда аввалги асрларда, хусусан, IX-XIII асрларда яратилган маънавий-маданий бойликлардан, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Чағминийлар меросидан; араб, форс ва туркий тилларда яратилган Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Румий, Тусий, Аттор каби алломалар меросидан: Мусулмон Шарқи маънавий меросида кенг аҳамият касб этган қадимги юнон илмий-маънавий бойликларидан кенг фойдаланилди. Кўплаб мамлакатлар орасида маданий алоқаларнинг ривожланиши Шарқ мамлакатларининг ўзаро алоқаларда маънавий бойликни юксалтиришига сабабчи бўлди. *Тўртинчи*, ғоявий омил - бу омил маънавий омилнинг узвий давоми бўлса-да, унинг муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ва ўз даври маънавий ҳаётида катта роль ўйнаганлиги учун алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

XV асрга келиб Мовароуннаҳр ва Хуросонда кенг тарқалган тасаввуф – хусусан, Нақшбандия таълимотидир. Марказий Осиёда Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолиқ Гиждувоний таълимотларини ривожлантириш асосида шаклланган Нақшбандия таълимоти ва унинг йирик вакиллари XIV-XV асрлардаги сиёсий-иҷтимоий ҳамда маданий ҳаётда ниҳоятда муҳим роль ўйнади, маънавий ўзгаришлар маълум эркинлик учун ғоявий асос, омил бўлиб хизмат қилди. Темур ва темурий шаҳзодалар, кўп олим-фозиллар, ҳунармандлар Нақшбандия таълимотидан озуқа олдилар, ўз фаолиятлари, ижодлари билан уни ҳар томонлама бойитдилар.

Марказий Осиёда XI асрдан бошлаб ёйила бошлаган тасаввуф таълимоти бу даврга келиб Хуросон маънавий ҳаётида тасаввуфнинг яссавий, кубровия, қодирия ва айникса, нақшбандия тариқати катта роль ўйнайди. Марказий Осиёда кенг тарқалаётган тасаввуф таълимотининг Суфи, Порсо, Чархий, Маҳдуми Аъзам, Хожа Аҳрор каби йирик вакиллари нақшбандия тариқатига оид қатор рисоалар яратиш билан бирга, жамиятнинг маънавий покланиши

ва ривожланиши йўлида фаол хизмат қилдилар, таниқли арбоблар билан мулоқотда бўлиб, уларга таъсир ўтказдилар. Бу жиҳатдан, айниқса, Хожа Ахрор фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Навоий, Жомий, Қосимий, Лутфий, Бобур каби шоирлар тасаввуфни тарғиб қилдилар.

XV асрларда Марказий Осиёда мантиқ ва фалсафа фанлари билан шуғулланган йирик олимлар пайдо бўлди. Бу фанларнинг ривож, асосан, икки йирик мутафаккир Саадиддин бин Умар Тафтазоний ва Мир Сайид Журжоний номлари билан боғлиқдир. Журжоний ва Тафтазонийлардан ташқари, Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсиддин Мунший, Мавлоно Абдулла Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нуғмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Жалол Хокий ва бошқа олимлар яшаб ижод этганлар. Ўз даврининг илғор ижтимоий ва ахлоқий фикрлари бадий адабиётда, тасаввуф шеърлятида, назм ва назрда, ғазал ва рубоийларда муфассал баён қилина бошланди. Навоий, Жомий, Лутфий, Биноий, Қосимий Анвар ва бошқаларнинг бадий асарлари бой фалсафий ва ахлоқий мазмунга эгадир. Ундан ташқари ўша давр тарихини ёзиб қолдириш, Хуросон ва Мовароуннахрнинг мўғуллар зулмидан озод этилиши тарихини ўрганиш ва ёритишга катта эътибор бердилар. Низомиддин Шомий, Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Хофиз Абру, Натанзе, Фосих Хавофий, Мўйниддин Исфизорий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар темурийлар даври тарихини ёзиб қолдирдиларки, улар ёзиб қолдирган асарлар ҳозирда биз учун ўша давр ходисаларини, маданий юксалишини ўрганишда, муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Илм фан ва адабиётнинг ривож китобат санъати, янги қўлёзма асарларни кўчириб ёзиш, хаттотлик, мусаввирлик, лавҳа чизиш, муравозлик каби санъатлар тараққиётига ҳам ижобий таъсир қилди. Миниатюра рассомчилигининг тараққиёти адабиётнинг ривож билан боғлиқ бўлган. Мусаввирлар Фирдавсий, Низомий, Дехлавий, сўнгра Жомий ва Навоий асарларига расмлар ишлаган. XIV асрда “Жомеъ ут-таворих”, “Тарихи Рашидий” каби тарихий асарларга ҳам миниатюралар ишланган. Айрим

холларда диний асарларга ҳам Макка ва Мадина тасвири туширилган. Бадий асарларнинг баъзиларида Муҳаммад пайғамбарнинг (юзи никобда) одамлар орасида турган ҳолати ва меърожга чиқишларига оид лавҳалар учрайди. XV аср миниатюраларининг аксариятида шарқ шеърятининг қаҳрамонлари – Лайли ва Мажнун, Хусрав ва Ширин, Рустам, жанг лавҳалари тасвирланади. Умуман миниатюра санъати Ироқ, Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонгача ҳудудда бир даврга хос бадий-эстетик ҳодиса эди. Бу ҳодиса Темурийлар билан боғлиқ бўлиб, темурийларнинг Бағдод, Шероз, Табриз, Ҳирот, Самарқанд, Деҳли каби марказларида бир неча миниатюра мактаблари вужудга келди. Ҳатто Хуросон меъморчилигида безак ва нақш бу даврлардан олдин ҳам ва кейинчалик ҳам бу қадар юксалмаган. Меъморчилик тараққиётнинг янги босқичига кўтарилди, иншоотлар кўлами билан бирга унинг шакли ҳам улканлашди. Бу жараён муҳандислар, меъморлар ва наққошлар зиммасига янги вазифаларни қўйди. Ширинбека опа, Бибихоним, Туман опа обидаларида наққошлик ва хаттотлик билан бирга тасвирий лавҳалар ҳам мавжуддир. Ширинбека опа мақбарасида тасвир кўп рангларда, қолган ички бино деворларида оқ ва мовий рангдаги табиат манзаралари тасвирланади. Нафис китоб ва хаттотлик XV асрларда янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Хаттотлик – қўлёзма адабиётнинг ажралмас бир қисми ҳисобланган. Хаттотлик санъати тараққиётига XV асрда анъанавий насҳи, қуфий, деворий хатлари билан бирга, пештоқларни безовчи сулс ва тезкор-настаълик, ноёб қўлёзма асарлар кўчириладиган махсус устахоналар китоботчиликнинг равнақига ижобий таъсир кўрсатди. Хаттот Мир Али Табризий (1330-1402) настаълик хатини кашф қилди. Бу усул Ҳиротда Султон Али Машҳадий бошчилигида юксак босқичга кўтарилди ва Абдурахмон Хоразмий, Султон Али Хандон, Мир Али Қилқалам, Халвоий, Рафиқий каби хаттотлар, мусаввирлар етишиб чиқди. Ҳиротда темурийларнинг сарой кутубхоналари ташкил этилди. Бу кутубхоналар ҳунармандчилик корхонаси ҳисобланган, уларда қўлёзма асарларни тўплаш ва сақлаш ишлари бажарилган.

XV асрлар Ўрта Осиё халқларининг мусиқа санъати тараққиётида ҳам янги босқич бўлди. Янги куй ва кўшиқлар, чолғу асбоблари ва мусиқа назариясига доир асарлар яратилди. Маҳоратли созандалар, бастакорлар ва хофизлар етишиб чиқди. Абдуқодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шохкули Ғижжакий, Аҳмад Қонуний, Юсуф Андижоний кабилар шулар жумласидандир. Улуғбек, Жомий, Навоий ва Биноийлар мусиқа илмига оид асарлар ёзиб янги куйлар ижод қилдилар. IX-XII асрларда шаклланган 12 мақом бу даврда такомиллашди. Шунингдек, кенг оммага мўлжалланган театрлашган томошалар – халқ сайлларида масхарабозлар, кўғирчоқбозлар, дорбозлар ўз санъатини намоиш қилган.

Бу даврда ахлоқ ва таълим-тарбия муаммоларига бағишланган махсус рисоалар пайдо бўлдики, уларнинг орасида Жалолиддин Давоний ва Ҳусайн Воиз Кашифий ларнинг мероси алоҳида ўрин эгаллайди.

1.1. Воиз Кошифийнинг ҳаёти ва фаолияти

XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда Алишер Навоий атрофида тўпланган аллома, шоир ва донишмандлар орасида машҳур ва қомусий истеъдод эгаларидан бири Воиз Кошифийдир. У ўзининг ҳаёти ва фаолияти давомида Ўрта Осиё ва Хуросоннинг машҳур мутафаккири, илоҳиётчиси ва фақиҳи бўлиб танилган. Унинг тўлиқ исми Камолиддин Ҳусайн ал-Воиз ал-Кошифий ал-Ҳиравий бўлиб, унинг ҳаёти ва илмий фаолиятига доир маълумотлар олим яшаган давридаёқ ёзилган кўпгина мабаларда ўз аксини топган ҳамда уни вафотидан кейин ҳам кўпгина олимлар у ҳақида қимматбаҳо маълумотларни ўз асарларида ёзиб қолдирганлар.¹⁹ Унинг ҳаёти, ижоди, асарлари ҳақида маълумотлар тарихий, адабий, илмий китобларда, тазкираларда қайд этилган.²⁰ Манбаларда у 1440-1450 йиллар орасида

¹⁹ Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, А.Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, Муиниддин Муҳаммад Замжий Исфизорийнинг “Равзат ул-жаннат”, Фахриддин Али Сафийнинг “Рашахот айн ул-хаёт”, Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор” ва “Макорим ул-ахлоқ”, Зайниддин Восифийнинг “Бадойиъ ул-вақойиъ” каби асарларда учрайди.

²⁰ Хондамир. Ҳабиб ус-сияр. III жилд. III қисм. –Бомбей, 1856-1857; Муҳаммад Али Табризий. Райҳонат ул-адаб. IV жилд. –Техрон, 1331; Сайид Муҳаммад Ризодойи Жавод. Тарихи адабиёти Ирон. 1 жилд. –Исфаҳон, 1339; Исо Содик. Тарихи Фарҳанги Ирон. –Техрон, 1336; Бертельс Е.Э.

Хуросон вилоятидаги Сабзавор шаҳрининг Байҳақ кентида туғилган деб тахмин қилинади. Лекин унинг таваллуд йили, ота-онаси, болалиги ҳақида ҳозирча ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ. Мутафаккирнинг қаерда, кимдан таълим олгани хусусидаги маълумот ҳам етарли даражада ўрганилмаган.²¹

Тадқиқотларда Кошифийнинг туғилган йили ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Жумладан, А.Т.Тагиржанов Кошифий туғилган санани 876/1471-1472 йил деб кўрсатади.²² Лекин бу ҳақиқатдан анча йироқ, сабаби мутафаккирнинг “Равзат уш-шуҳадо” асарида (асар 908/1502-1503 йилда ёзилган) Кошифий: “... қарилигим ва бошқа қаршиликлар сабабли фасохат раъятини балоғат майдонида ташашга қодир бўлмадим...” деб ёзади.²³ Бундан кўринадики, 1503 йилда Кошифий 60 ёшлар чамаси ёки ундан ҳам ошган бўлиши керак. Кошифийнинг адабиётга доир “Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор” номли рисоласи илмий нашрини тайёрлаган Р.Мусулмонқулов Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асаридаги (Кошифийга нисбатан айтилган) “... йигирма йилга яқин борким шаҳардадур (яъни Ҳиротда) ...”– деган маълумотга таянган ҳолда мутафаккирнинг таваллуд санасини 1440-1450 йиллар ораси деб тахмин қилади.²⁴ Бу тахмин ҳақиқатга яқин, чунки Кошифийнинг таваллуд санаси унинг ўғли Али Сафийнинг туғилган – 1463 йилга нисбатан олинганда ва Али Сафий туғилган вақтда Кошифий 20 ёшлар атрофида бўлган деб тахмин қилинса, унинг таваллуд санаси 1440-1443 йилларга тўғри келади.

Кошифийнинг ўсмирлик йиллари Сабзаворда ўтганлиги боис, у бошланғич маълумотни Сабзаворда олган. У араб, форс, туркий тиллари, математика, астрономия, кимё, мусиқа, адабиёт, фикрдан тўлиқ маълумотга

Избранные труды. Навои и Джами. Т.IV. –М., 1965; Брагинский И.С. Очерки из истории таджикской литературы. –Сталинабад, 1956; Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14-жилд. Тошкент, 1980.

²¹ Кошифийнинг илм ўргангани ҳақида Хожа Аҳрор фаолиятига бағишланган бир тадқиқотда қисқача таъкидлаб ўтилган, яъни Қутибоев З.А. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг Мовароуннаҳрнинг XV асрдаги ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида тутган ўрни. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т., 1998.

²² Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей. –Л., 1962. –С. 100-101.

²³ Хусайн Воиз Кошифий. Равзат уш-шуҳадо. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№ 10622. –В. 360.

²⁴ Камал ад-дин Хусайн Ваиз Кашифи. Бадаи ал-афкар фи санои ал-ашъор (Новые мысли о поэтическом творчестве). На персидском языке. – М.: Наука, 1977. –С. 3.

эга бўлган. Ёшлигиданок воизлик – сўз санъати билан шуғулланган. Кошифий Сабзаворда тез орада кўзга кўринган воиз – нотик бўлиб танилган. Унинг асл ватани Сабзавор (Хуросоннинг шимолида Машҳаддан 300 км ғарбда жойлашган шаҳар) бўлиб, бу ҳақда манбаларда аниқ маълумотлар бор. Жумладан, А.Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида: “Мавлоно Ҳусайн Воиз “Кошифий” тахаллус қилур, Сабзаворликдур...”– деб ёзади.²⁵ Кейинчалик у билим олиш мақсадида Нишопурга, сўнг 1455-1468 йилларда эса Машҳадга бориб, ўша ерда яшаб, воизлик қилган. 1468 йилнинг охирларида Абдурахмон Жомийнинг тавсияси билан Ҳусайн Воиз Кошифий Ҳиротга келади ва бир қанча муддат А.Жомийнинг хизматида бўлиш билан бирга қолган умрини, асосан, Ҳиротда Темурийлар раҳнамолигида ўтказди. Эрон олими Сайид Муҳаммад Нойиний Фахриддин Али Сафийнинг “Рашоҳот айн ул-хаёт” рисоласига нисбат бериб, Ҳусайн Воиз Кошифий Абдурахмон Жомийнинг таклифига биноан тасаввуфнинг нақшбандия сулукига кирганлигини айтади.²⁶ Мутафаккир Алишер Навоий билан ҳам яқин бўлиб, Ҳирот илмий муҳитининг йирик вакилларида бири сифатида эътибор қозонишида Жомийнинг ҳам ўзига хос хизмати бўлган, десак хато бўлмайди. Жомийнинг Навоийга ёзган хатлари билан танишиш жараёнида бу масала анча ойдинлашди. Мазкур хатларнинг бирида Жомий томонидан Навоийга Мавлоно Камолиддин Ҳусайн юксак истеъдод соҳиби экани, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қуватлаш лозимлиги баён қилинган.²⁷

Маълумки, XV асрнинг иккинчи ярмида Темурийлар, хусусан Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳирот Шарқнинг маданият маркази эди. Тарихчи олим Сайид Нафисийнинг айтишича, Кошифий умрининг охирида Ҳиндистонга қилган сафари ҳақида ҳам деярли маълумот йўқ. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг икки қизи ва бир ўғли бўлиб, ўғли Фахриддин Али Сафий ўз даврининг катта шоири, ёзувчиси ва олими (“Рашоҳот айн ул-хаёт” асари билан машҳур)

²⁵ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 13-том. –Т.: Фан, 1992. –Б. 119.

²⁶ Воиз Кошифий. Рисолайи Ҳотамия. –Техрон, 1320. Кириш сўзини Сайид Муҳаммад Нойиний ёзган.

²⁷ Урунбаев А. Письма автографы Абдурахмана Джами из “Альбомы Навои”. –Т.: Фан, 1982. –С. 91.

бўлиб етишган. Али ас-Сафийнинг ислом тарихига, пайғамбарлар ҳаётига, адабиётга, Хўжа Аҳрорга, ахлоққа, кимёга бағишланган ўндан ортиқ илмий ва бадий асарлари бор. Ҳусайн Воиз Кошифий 1505 йилда Ҳиротда вафот этади. Сайид Муҳаммад Ризо Жалолий ўз тадқиқотида Кошифийни 1455-1456 йиллари Машҳадда яшаганлигини ва 1504-1505 йили 14 июнда Ҳиротда вафот этганлигини айтиб ўтади.²⁸

Камолиддин Ҳусайн – алломанинг исм-шарифи, воиз (нотик) – лақаби, Кошифий (кашф қилмоқ, яратмоқ) - адабий таҳаллусидир. Ҳусайн Воиз Кошифий асарларини ўз даврининг илмий тили – форс тилида ёзган бўлиб, ундан кўпгина илмий, бадий таржима асарлари ҳам мерос қолган.

Ҳусайн Воиз Кошифий Ҳиротда яшаган даврида ўз замонасининг етук олимларидан бири бўлиб танилди. Унинг бир қанча фан соҳалари бўйича яхши билимга эга эканлиги ва кўпгина асарлари борлиги хусусида замондошлари қолдирган маълумотлардан ҳам билиш мумкин. Ўз даврининг йирик тарихчиси Хондамир унинг ижодини ўзининг “Хулосат ул-ахбор” асарида: “Ул жаноб нужум илмида ҳам зўр маҳоратга эга эди, чунончи унинг таъбирлари Қазо ўқи сингари беҳатар бўларди. Унинг балоғатоётлик ҳамда фасоҳатсифатлик китоблари кўп ва беҳисоб бўлиб, уларнинг кўпи олиймақом амир Алишернинг атоқли номи билан зийнатланган. Амир Алишернинг инояти ва илтифоти ул жанобнинг ҳол саҳифасига ҳамма вақт тушиб турарди...” - деб таърифлайди. Ва шу билан бирга Кошифийга юқори баҳо бериб, қуйидаги маълумотларни келтиради: “Мавлоно Камолиддин Ҳусайн Воиз, турли хил маъқул илмлар ва турлича ... нақл этилган фанлардан тамом фойда олган ва баҳраманддур. Ҳозирда Хуросон диёрида ул жанобга тенг келадиган киши топилмайди. Қуръон тафсирини ва пайғамбар ҳадислари маъноларини покиза қилиб тушунтириб абадийлаштирди”.²⁹ Бу каби маълумотлар Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ”³⁰ ва “Ҳабиб ус-сияр”³¹

²⁸ Кошифийнинг вафоти санаси “هدایت دستگاه” жумласининг абжод ҳисобидан келиб чиқади. Қаранг: Тақсири Ҳусайний –Б. 80. (Муқаддима).

²⁹ Хондамир. Хулосат ул-ахбор. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№ 2209. –В. 488.

³⁰ Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№ 5340. –В. 47.

асарларида ҳам учрайди. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг тўртинчи мажлисида: “Мавлоно Ҳусайн Воиз – “Кошифий” таҳаллус килур, Савзаворликдур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳардадур ва Мавлоно зуфунун ва рангин ва пуркор воқеъ буллубтур. Он фан булғайким, даҳли бўлмагай. Хусусан ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳақидадур ва ҳар қайсида муттайин ва машҳур ишлари бор...” - деб юксак баҳолаган.³²

Кошифийнинг илм таҳсили ҳақида манбаларда батафсил маълумот келтирилмайди. Бироқ “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” асарининг Мир Абдуллаваалга (ваф. 904/1499) бағишланган қисмида келтирилган қуйидаги сатрлар бу масалага маълум маънода ойдинлик киритади. Али Сафий ёзади: “Бу ҳуруфнинг роқимининг волиди хидмати (жаноб маъносида) Мир Абдуллаваал раҳматуллоҳ билан Нишопурда неча йиллар ҳамхужра ва ҳамсабоқ эрдилар. Ва волид Сабзавордин, хусусан таҳсили улум учун Нишопурга келиб эрдилар ва Амир Иззудин Тоҳир Нишопурийким, хидмати Мирнинг жадди бузрукворлари эрди, камоли зухду тақво ва улуми зоҳирий ва ботиний била ораста эрди, оларнинг олдида таламмуз³³ этиб, кутуби мутадовала³⁴ ва тафосир ва аҳодис ўтқариб эрдилар...”³⁵

Ҳусайн Воиз Кошифий Ҳирот мадрасаларида талабаларга таълим-тарбия берган, Хуросон шаҳарларида ахлоқ-одобдан ваъз айтган.

Ҳусайн Воиз Кошифий инсонни дунёдаги энг юксак олийжаноб мавжудот деб билади. Одам номи яхшилик билан эслаш туфайли боқийдир, ҳаётлик айёмининг ҳосили яхши ном орттиришдир - дейди.

Бу Воиз Кошифий ахлоқий таълимотининг етакчи ғоясидир. У салбий ахлоқий ҳислатларни қоралайди ва уларнинг инсон ҳаётида ва жамият учун катта зарар олиб келишини қатор ҳикоя ва ривоятлар билан кўрсатади.

Ҳусайн Воиз Кошифий яхшилик ва ёмонлик, адолат, виждон, бурч тушунчалари ҳақида ҳам атрофлича фикр юритади. Ахлоқ нормаси

³¹ Хондамир. Ҳабиб ус-сияр. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№ 2731. -Б. 345.

³² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 13-том. –Т.: Фан, 1992. –Б. 119.

³³ Толиби илм бўлиш маъносида.

³⁴ Олий мадраса ўқув қўлланмасидаги барча китобларни тугатиб синовдан ўтиш.

³⁵ Фахриддин Али Сафий. Рашаҳот айн ул-ҳаёт. –Б. 435.

инсонларнинг хулқ, феъл-атворларини тартибга солиб турувчи ахлоқий талаблардир. Кошифий ижобий хислатларни кишиларда бўлиши шарт бўлган инсоний фазилат деб тушунади ва сабр, ҳаё, иффат, покизалик, собитқадамлик, сахийлик, саховат, ростгўйлик, шижоат, камтарлик, хушёрлик, баланд ҳимматлик, диёнатлилик, аҳдига вафолик, андишалилик, иззат-ҳурматни билиш, сир яшира олиш каби фазилатларни бирма-бир таърифлаб ўтади. Кошифий ахлоқли инсон деганда, илм-маърифатга интилувчи, ҳақиқат ва адолатни севувчи, адолатсизликка қарши курашувчи, мард, ҳаракатчан, олийжаноб, сахий, очиқ қалб инсонни тушунган.

Кошифий ўз асарларида давлатни одилона боқаришда сиёсатдан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлайди: “Жаҳонда пок сув ичмакка бўлмас ҳеч ким қодир. Агар шоҳлар сиёсат тигин элига қилмаса зоҳир”, - дейди.

Сиёсат мамлакатни бошқариш учун зарур, у шахсий иш эмас, балки ижтимоий ишдир. Сиёсат адолатли бўлса, мамлакат, жамият ривож топади, халқи фаровон яшайди. Сиёсатни одил подшоҳлар адолат билан бошқаришлари керак:

*Мамлакат тобқой сиёсатдин низом,
Гар сиёсат бўлмаса етгай халал,
Топмагай олам иши асло тузут.
Бесиёсат ҳеч вақту ҳеч маҳал.*

Ёки: “.. Адл (адолат) сиёсатсиз мавжуд бўлмас. Сиёсат йўқ бўлса, сардорлик заиф. На учунким мулку-миллат зийнати, дину давлати мусаллаҳи сиёсатдур”, - деб мамлакат тараққиётини, адолат қарор топишини ҳам Кошифий сиёсатга боғлайди.

Демак, Ҳусайн Воиз Кошифий шоир, ёзувчи, олимгина эмас, балки доно сиёсатчи ҳам бўлган. Унинг жамият, давлат, тинчлик, ихтилофларни осойишталик билан ҳал этиш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Воиз Кошифий Алишер Навоийнинг маънавий даврасида бўлган XV аср Хуросон ва Мовароуннаҳр маданиятининг ривожига катта ҳисса қўшган ҳамда ўз асарлари билан сўнгги авлодларга катта таъсир кўрсатган машҳур алломалардан бўлиб тарихда қолди. У қомусий ижоди билан ўз даври маънавий юксалиши йўлида фаол хизмат қилди ва нафақат Марказий Осиё, балки бугун Шарқ умуминсоний, маданий бойликларини кучайтиришга сезиларли таъсир кўрсатди. Умуман олганда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хусайн Воиз Кошифий ўз даврининг йирик олими, шоири ва ёзувчиси бўлиб, ҳаётлигидаёқ халқ орасида катта обрў ва шуҳрат қозонган.

1.2. Воиз Кошифийнинг илмий ва адабий мероси

Хусайн Воиз Кошифий асарларини ўз даврининг илмий тили – форс тилида ёзган бўлиб, ундан кўпгина илмий, бадий таржима асарлари ҳам мерос қолган. У фалсафа, ахлоқ, тилшунослик, адабиётшунослик, сиёсат, тарих, кимё, астрономия, математика, мусиқа, воизлик, шеър санъати, дин тарихи, фикр, тиббиёт каби фанларга оид 200 дан ортиқ асар ёзганлиги 1990 йили Тошкентда нашр қилинган “Навоий замондошлари мактубларида” номли рисолада қайд этилган.³⁶ Лекин шунга қарамай қўлёзма манбалар ва замонавий тадқиқотларда Кошифийнинг асарларининг сони ҳақида аниқ бир фикр билдирилмаган. Дастлаб Кошифий қаламига мансуб асарлар рўйхатини эронлик олим Али Акбар Қазвиний – Деххудо (1879-1956) 38та деб келтирган, сўнг доктор Забихулло Сафо 28та деб, А.Т.Тагиржанов эса 26та ном билан қайд этганлар.³⁷

Кошифийнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида ва Ҳ.Сулаймонов номидаги Мажмуада 45 номдаги асарларининг 197 қўлёзма ва 75 тошбосма нусхалари сақланмоқда. ЎзФА Шарқшунослик институти фондининг ўзида олиб борган изланишларимиз натижасида мазкур хазинада Кошифийнинг 18та номдаги

³⁶ Ўринбоев А., Ҳасанов М. Навоий замондошлари мактубларида. –Т., 1990. –Б. 16.

³⁷ Али Акбар Қазвиний. Луғатномаи Деххудо.–Техрон, 1334/1994. –С. 15882-15883; Забихулло Сафо. Тарихи адабиёти Эрон. –Техрон, 1371/1993. –С. 523-525; Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей. –Л., 1962. –С. 100-106.

асари мавжудлиги ва уларнинг 212та қўлёзма ва 75та тошбосма нусхалари борлиги аниқланди.

Бундан ташқари у ўз даврининг кўзга кўринган илоҳиётчи олими бўлиб, ҳадисни, Қуръони Каримни ёддан билган, ҳатто Қуръонга тўрт китобдан иборат шарҳ ҳам ёзган. Унинг бир қанча асарлари дунё бўйлаб кенг тарқалган ва Ўзбекистон, Ҳиндистон, Эрон, Россия ва Тожикистонда бир неча бор нашр қилинган. Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, “Рисолаи Ҳотамия”, “Анвори Сухайлий”, “Футувватномаи Султоний”, “Тафсири Ҳусайний”, “Жавохирнома” каби ўндан ортиқ асари араб, татар, эски ўзбек тили, урду, турк, немис, инглиз, француз ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ҳозирги кунда Кошифий асарлари Ироқ, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Бангладеш ва бошқа шарқ мамлакатларида, шу билан бирга Париж, Лондон, Берлин, Санкт-Петербург, Москва каби шаҳарларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. Унинг асарлари ғарб тилларида чоп қилинган қатор каталогларда илмий тавсифланган.³⁸

Чет мамлакатларда Кошифий асарларига қизиқиш XVIII-XIX асрлардаёқ кучли бўлиб, Ғарбий Оврупонинг Х. Г. Кин, М. Дуайт, Д. Д. Дональдсон, Э. Браун, А. А. Арберри, Э. С. Кеннеди, Э. Розенталь, Х. Массе, К. С. Ламбтон, Р. Леви, А. М. Шастери каби машҳур олимлари Марказий Осиё ва Эроннинг XIV-XV асрлардаги маданияти тарихини атрофлича ўрганишга ҳаракат қилганлар ва Кошифийнинг ижоди, меросига юқори баҳо берганлар.

Кошифий ўз асарларида ижтимоий-ахлоқий ҳаёт, маънавият масалаларига катта ўрин ажратади, сиёсат, давлатни бошқариш, шоҳ билан фуқаролар ўртасидаги муносабат, жамоани идора этиш, етук инсонни тарбиялаш муаммолари унинг ижодида катта ўрин эгаллайди. Уларда инсонпарварлик, халқпарварлик, юқори маънавиятга эга бўлиш, маданий юксалиш ғояларини илгари суради. Унинг “Ахлоқи Муҳсиний”, “Рисолаи

³⁸ Rieu CH. Catalogue of the Persian Manuscripts in the British Museum by Ch. Rieu. Voll.II. –London, 1879. –P. 9-11; Blochet E. Catalogue des manuscrits persans de la Bibliothe'que. –Paris, 1905. –S. 26; Ethe H. Catalogue of the Persian Manuscripts in library of the India. № 2681-2690. Voll.I. –P. 1460-1462; Стори. Персидская литература. –С. 129.

Ҳотамия”, “Анвори Сухайлий”, “Ахлоқи Карим”, “Жавоҳирнома”, “Лубби лубоби маънавий фи-интихоби маснаъвий”, “Искандар ойнаси”, “Тафсири Ҳусайний”, “Футувватномаи Султоний” каби асарлари шулар жумласидандир. Бу асарлардан Хуросон мамлакатада, Ҳиротда ва бошқа шаҳарлардаги мадрасаларда талабалар учун дарслик сифатида фойдаланилган. Мутафаккир бу асарларида ўзининг ҳаётдан олган собоқлари, тажрибалари асосида халқчиллик, инсонпарварлик, ижтимоий ҳаёт, адолат, халоллик, софдиллик, поклик, тўғрилик, ростгўйлик ҳақидаги фикрларини ўқимишли, қизиқарли ҳикоялар, ривоятлар ёрдамида баён этади. Бу асарлар Кошифий тили билан айтганда “Ҳикмати амалий” асосида ёзилганлигидан бугунги кунда ҳам жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ахлоқ масалаларини ёритишда Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”³⁹ асари энг машҳур ва муҳим аҳамият касб этади. Кошифий ўз асарларида сиёсат, давлатни бошқариш масалалари бўйича ҳам ўз даври учун муҳим фикрларни олға суради. У давлатни одилона боқаришда сиёсатдан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлайди, ҳамда “Жаҳонда пок сув ичмакка бўлмас ҳеч ким қодир. Агар шоҳлар сиёсат тигин элига қилмаса зоҳир” – деган фикрни илгари суради.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг илмий меросини фан соҳаларига ажратган ҳолда кўрсатиб ўтилса, янада мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, Қуръон илмига доир “Жавоҳир ут-тафсир ли тухфат ил-Амир”, “Мухтасар ул-Жавоҳир”, “Жомеъ ус-ситтийн ё тафсири сураи Юсуф”, “Мавоҳиби Алийя”, “Тафсири ояти фароиз” асарлари, Ҳадис илмларига оид “Рисолат ул-олийя фи аҳодис ин-набавийя”, тасаввуф илмига доир “Футувватномаи султоний” рисоласи мавжуд. Ундан ташқари адабиётга оид “Лубби лубоби маънавий фи интихоби маснавий”⁴⁰, “Анвори Сухайлий”, “Бадоеъ ул-афкор фи синоат ил-

³⁹ Ҳусайн Бойқаронинг ўғли - Абдулмуҳсин Мирзога бағишланган асар.

⁴⁰ Ҳусайн Воиз Кошифий. Лубби лубоби маънавий фи интихоби маснавий. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№1453/II, 3041/I (СВР I.II. –С. 72. №902-903).

ашъор”⁴¹ асарлари, тилшуносликка доир “Манзумаи авомил”⁴², астрономияга доир “Сабъаи Кошифий”, “Лавойих ул-қамар” ва “Шаш рисола”.

Иншо илмига оид “Махзан ул-иншо”, “Саҳифаи шоҳий”, ахлоққа оид “Ахлоқи Муҳсиний”, исломнинг турли даврларига оид “Равзат уш-шуҳадо”, “Тухфат ус-салавот” асарлари мавжуд.

Кошифийнинг тарихий, адабий ҳамда одоб-ахлоқ мавзуларини ўзида акс эттирган асарлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири “Рисолаи Ҳотамия” ёки “Қиссаи Ҳотам Тойи” номи билан кенг тарқалган дostonдан иборат рисоласидир. Асар 891/1485-1486 йилда Султон Ҳусайн Байқарога бағишлаб ёзилган.⁴³

Кошифийнинг асарлари бирма-бир ўрганиб чиқилиши натижасида унинг ЎзРФАШИ фондида мавжуд бўлмаган асарлари аниқланди. Улар “Маноқиб ал-авлиё”, “Ойинаи Искандарий” (яна бир номи “Жоми Жам” деб номланади), “Шарҳи саҳифаи сажжодия”, “Китоби адъия”, “Расоил дар аврод ва адъия”, “Шарҳи асмо ул-хусно”, “Фазли салавот ун-набий”, “Ал-мирсод ул-усно фи шарҳи асмоаллоҳ ил-хусно”, “Ансоби сибт ар-расул”, “Мавлуднома”, “Рисола дар илми аъдод” кабилар фихрист китобларида қайд этилган.⁴⁴

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг баъзи рисоалари чет мамлакатларда чоп этилган. Хусусан, унинг “Рисолаи Ҳотамия”си 1883 йилда Парижда Шарль Шефер томонидан босилган. Шунингдек, ушбу асар Эронда ҳам чоп этилган.

Олимга шуҳрат келтирган “Ахлоқи Муҳсиний” эса бир неча бор қайта кўчирилган, турк ва эски ўзбек тилларига таржима қилинган. Машҳур ўзбек шоири Огаҳий 1858 йилиасарни ўзбек тилига ўгирган, ундан ҳам олдинроқ, яъни 1566-1567 йилларда у “Анис ул-орифин” номи билан турк тилига таржима қилинган. Шунингдек, Воиз Кошифийнинг ушбу рисоласи 1851 йили Х.Г.Кин томонидан инглиз тилига, 1848 йили эса немис тилига таржима этилиб, босилиб чиққан. Буларнинг ҳаммаси Фарбда ҳам, Шарқда ҳам

⁴¹ ЎзРФАШИ ҚФда 2519/І рақами билан сақланмоқда.

⁴² 3391 рақамли тобосма нусха бўлиб 1912 йил Тошкентда чоп қилинган.

⁴³ Забихулло Сафо. Тарихи адабиёти Эрон. –Техрон, 1371/1993. –С. 525.

⁴⁴ Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей. –Л., 1962. –С. 102-103.

мутафаккирнинг илмий ва адабий меросига қизиқиш катта бўлганлигидан далолат беради.

Ижодий меросини ўрганиш борасида Москвада мутафаккирнинг шеърий назариясига бағишланган рисоласи нашрдан чиққан.⁴⁵ У кириш қисми, икки боб ва хулосадан иборат бўлиб, унда ҳар хил шеърий тушунча ва иборалар талқин қилинади, назмнинг турлари ва жанрлари ҳақида сўз кетади. Бошқа бир илмий тадқиқотда мутафаккирнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, “Рисолаи Ҳотамия” асарларидан парчалар таржима қилинган.⁴⁶

Воиз Кошифийнинг Шарқда кенг тарқалган рисоаларидан бири “Анвори Сухайлий” асари жуда машҳур бўлиб, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда чоп этилган. У 1979 йили Тожикистонда нашрдан чиқади.⁴⁷ Китобнинг кириш қисмида айтилишича, Воиз Кошифий Абдулмаали Насруллонинг “Калила ва Димна” асарини қайта ишлаб чиққан, унга кўп ҳикоялар, мақол ва маталлар, араб тилида ёзилган шеърлар ўрнига ўз замонасида яшаган шоирларнинг шеърларидан киритган. Ушбу китоб ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиларига мўлжалланганлиги учун ундаги ижтимоий масалаларга бағишланган жойлари қисқартирилиб, олимнинг ахлоққа оид фикрлари сақлаб қолинган. Ушбу асарнинг ёшлар тарбиясида муҳим қўлланма вазифасини ўташи таъкидланган.

Булардан ташқари, тожик олими М.Аҳмадов⁴⁸, афғон олими М.Бехруз⁴⁹ ва Ҳ.Алимқулов ўз тадқиқотларида “Анвори Сухайлий”, “Ахлоқи Муҳсиний”, “Рисолаи Ҳотамия”, “Саҳифаи шоҳий” ва “Маҳзан ул-иншо” асарларига тўхталиб ўтадилар ва уларнинг мазмунини ҳар томонлама ўрганиб, моҳиятини очиб беришга интиладилар. О.Р.Усмонова биринчи марта Воиз

⁴⁵ Камал ад-дин Хусайн Ваиз Кашифи. Бадаи ал-афкар фи санои ал-ашъор (Новые мысли о поэтическом творчестве). На персидском языке. – М.: Наука, 1977.

⁴⁶ Алиқулов Ҳ.А. Таржима ва изоҳлар // Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. –Т.: Фан, 1976.

⁴⁷ Калила ва Димна. Аз руи “Анварии Сухайли” Воиз Кошифи. –Душанбе: Маориф, 1979.

⁴⁸ Аҳмадов М. Мундариҷаи ғоявии баъзи бобҳои “Анварии Сухайли”. Чанд мулоҳизаи адаби. Чилди 96. –Душанбе, 1973.

⁴⁹ Бехруз М.Х. Хусайн Ваиз Кашифи и его произведение эпистолярный стиль (XIV-XV вв.) Автореферат диссертации, представленной на соискание ученой степени канд. филол. наук. –М., 1970.

Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асарини махсус ўрганади. Ушбу асарни ўз мақолалари ва илмий тадқиқотларида филологик нуқтаи назаридан таҳлил қилади.⁵⁰ Муаллиф “Ахлоқи Муҳсиний” асарининг бир неча нусхаларини бир-бири билан солиштириб қиёсий ўрганади, уни форс тилидан рус тилига таржима қилади. Эрон олими Абдурахим Набуҳийнинг таъкидлашича, олий ўқув юртларида Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий” ва Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асарлари ахлоқ илми бўйича асосий манба бўлиб хизмат қилган. Айниқса, Кошифийнинг “Анвори Сухайлий” асари Техронда таҳсил кўраётган инглиз талабаларида катта қизиқиш уйғотиб келган. Ҳиндистонда эса давлат муассасаларига ишга кировчи хизматчилар учун қўлланма вазифасини ўтаган.⁵¹ Буларнинг ҳаммаси мутафаккирнинг илмий ва адабий меросига қизиқиш нақадар зўр эканлигидан гувоҳлик беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Хусайн Воиз Кошифий ўз даври маданий ҳаётининг барча соҳалари учун керакли ва қимматли бўлган асарларни яратди ва бу улкан иши орқали нафақат ўз даври маънавий хазинасини бойитди, балки бугунги кунимизнинг маданий ҳаётини юксалтиришига олиб келди.

⁵⁰ Усмонова О.Р. “Ахлоқи Муҳсиний” Ваиза Кашифи (Тезисы доклада) // Сборник “Материалы научной конференции профессорско-преподавательского состава университета”. Сб. Научн. Трудов. –Т., 1966.

⁵¹ Browne E.A. History of Persian literature under tartar dominion. –Cambridge, 1920. –P. 504.

II БОБ. “ЛУББИ ЛУБОБ”НИНГ ЁЗИЛИШ ТАРИХИ

Хусайн Воиз Кошифийнинг “Лубби лубоб” асарини ёзишига асосий таъсир кўрсатган асар Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асаридир. Ушбу асарни қандай таъсир кўрсатганини кўриб ўтишдан аввал, “Маснавий”нинг қандай машҳур асар экани ҳақида сўзлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Марказий Осиёда, тўғрироғи бутун дунёда машҳур бўлиб кетган “Маснавийи Маънавий” асари тасаввуфий, ишқий ва дидактик асар бўлиб, тенгсиз донишманд, буюк мутафаккир Жалолиддин Румийнинг қаламига мансуб. Ушбу исломий-тасаввуфий мажмуани “Форсий Қуръон” деб ҳам аташган. Сабаби Қуръони Каримнинг юзлаб оятлари мазкур асарда талқин этилган. 690 ҳадисга румиёна шарҳ берилган. “Қуръоннинг уч қават ботиний маъноси бор”, дея қайд этилади ва ана шу маънолар “Маснавий”да изчил тушунтирилади.⁵²

Румийнинг “Маснавий”сидан асрлар мобайнида минглаб нусхалар кўчирилган, унинг асосида кўплаб маърифий асарлар ёзилган. Асарнинг тушунилишини осонлаштириш мақсадида кўплаб шарҳлар ёзилган бўлиб, уларнинг аксарияти Эрон ва Туркияда яратилган.⁵³ “Маснавий”га шарҳ ёзиш бора-бора анъанага айланган. Натижада, “Маснавий”шунослик илми шаклланган ва бугунги кунда ҳам ривожланмоқда. “Маснавий”да учрайдиган сўфиёна тушунчаларни янада соддароқ тушунтириш мақсадида луғатлардан ташқари иловалар, шарҳлар, ҳошиялар, назиралар ёзилгани ёки ундан лавҳалар кўчирилиб, алоҳида китоб ҳолига келтирилгани, асардаги атамаларга изоҳлар тузилгани, асар бошқа тилларга таржима қилингани маълум.

Эронлик олим Доктор Муҳаммад Истеъломийнинг ёзишича, “Маснавий”нинг илк шарҳи XV асрда Хоразмда “Жавоҳир ул-асрор” номи

⁵² Жалолиддин Румий. Маънавий Маснавий. Форсийдан Асқар Маҳкам таржимаси. I жилд, I китоб. –Т.: Шарқ, 1999. –Б. 11.

⁵³ Назаров Б. Маснавийшунослик анъаналари. Шарқ машъали. №1. –Т., 2009. –Б. 13.

билан Мавлоно Камолиддин Хусайн Хоразмий томонидан ёзилган.⁵⁴ Яна бир эронлик олим Жалолиддин Ҳумойиннинг маълумотига кўра, “Маснавий”га ёзилган форс тилидаги биринчи шарҳ “نصوص الخصوص فى شرح الفصوص” деб номланади, муаллифи Бобо Рукниддин Масъуд бин Абдуллоҳ Байзовий Шерозийдир.⁵⁵ XV асрдан кейин форсий шарҳлар ёзила бошланди. Масалан, Абдурахмон Жомийнинг “Найнома”, Яъқуб Чархийнинг “Шарҳи най”, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Лубби лубоби Маснавий”, Шох Доъий Шерозийнинг “Ҳошияи Шох Доъий”, Юсуф Синежекнинг “Жазираи Маснавий”, Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг “Мифтоҳ ул-асрор” асарлари шулар жумласидандир.

Биз форсий шарҳлар орасидан Хусайн Воиз Кошифийнинг “Лубби лубоби Маснавий” асарини танлаб олдик, унинг нима сабабдан яратганлигини очиб беришга ҳаракат қилдик, Румийнинг “Маснавий”си билан “Лубби лубоб” орасидаги фарқли томонларни ўрганиб чиқишга аҳд қилдик.

“Лубби лубоб” асари фехристларда “Шарҳи Маснавий” ёки “Жавоҳир ул-асрор” номлари билан ҳам учрайди.⁵⁶ Хусайн Воиз Кошифийни “Лубби лубоб Маснавий” асарини ёзишга ундаган энг асосий нарса бу унинг тасаввуф таълимотига жуда ҳам қизиққанлигида бўлган. Шу боис у Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарини яхшилаб ўрганиб чиққан ва ўз замондошларига асарда ётадиган энг асосий ғоя, мазмун, тасаввуф илмини етказмоқчи бўлган. Энг асосийси инсонпарварлик, поклик, эзгулик каби инсонга хос бўлган энг улуғ фазилатлар ва амалларни минг марта айтиб тушунтиргандан кўра, улар тўғрисида бир китоб қилиб яратиш ҳар томонлама тўғри йўл деб топилган.

Кошифий дастлаб “Лубоб ул-маънавий фи интиҳоб ил-Маснавий” деб номлаган китобни бунёд қилган. Лекин унинг замондошлари ва дўстлари

⁵⁴ Назаров Б. Маснавийшунослик аъъаналари. Шарҳ машъали. №1. –Т., 2009. –Б. 13.

⁵⁵ جلال الدين همایى. تفسير مثنوى مولوى. داستان قلعه ذات الصور يادر هوش ربا. انتشارات دانشگاه تهران. ۱۳۹۸.

⁵⁶ Ҳожи Халифа Маснавийга қисқартма шаклида ёзилган асарни “Жавоҳир ул-асрор ва завоҳир ул-анвор” деб атайти. Қаранг: Кашф уз-зунун. Ж.I.–Б. 408.

асарни янада қисқартириб, содда ва осон тушуниладиган, энг керакли мағзини ёзиб беришини илтимос қиладилар. Кошифий асарни янада қисқартириб, “Маснавийи Маънавий” мағзининг мағзисинигина олиб, “Лубби лубоби Маснавий” деб номлайди.

Кошифий “Маснавий”дан фарқли равишда “Лубби лубобни” 3та бобга бўлади. Боблар эса ўз навбатида бўлим ва фаслларга бўлинади. Бўлим ва фаслларнинг мазмунига боғлиқ бўлган ҳикоя, ҳадис ва ривоят, масал ва латифаларни “Маснавий”дан олиб, “Лубби лубоб”га киритади. Ушбу асар тушунарли ва мазмунли тарзда яратилганлиги боис, тез фурсатда илм аҳлининг севимли китобига айланади. Бугунги кунда ЎзФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар фондида асарнинг бир нечта қўлёзмаси ва 2 та тошбосма нусхалари сақланмоқда. 1118/1706 йилда 250 варақдан иборат нусхаси⁵⁷ ҳинд насталиқ хатида кўчирилган. 985/1577 йили яна бир қўлёзма нусхаси⁵⁸ насх хати билан Мавлоно Фатҳий ибн Мавлоно Хулқий томонидан кўчирилган. Бошқа бир қўлёзма нусхаси⁵⁹ 1130/1717 йили Шохрух Ўрдабий томонидан насталиқ хатида Ёркент шаҳрида кўчирилган. Шу тариқа “Лубби лубоб” асарининг қўлёзма ва тошбосмаси кенг тарқалиб, халқ томонидан ўқилган ва ўрганилган.

2.1. “Лубби лубоб”нинг тузилиши

“Лубби лубоб” асари 3 қисмга, яъни бобларга бўлинади. Ушбу 3 боб бошланишидан олдин асарнинг кириш қисми бўлиб, унда асар нима сабабдан яратилганлиги, 3 бобга бўлинганлиги ва улар ўз ичида бир неча майда наҳр (бўлим) ҳамда рашаҳот (фасл)ларга бўлинган ҳолда яратилганлиги ҳақида қисқача маълумотлар берилади. Асар қуйидаги жумлалар билан бошланади:⁶⁰

بعد از تقديم وظائف ثناء حضرت واجب الوجود عم جوده که لب لباب معنوی را که مرآة الحضرتین ست...

⁵⁷ Хусайн Воиз Кошифий. Лубби лубоби маснавий. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№10140.

⁵⁸ Хусайн Воиз Кошифий. Лубби лубоби маснавий. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№1453/П.

⁵⁹ Хусайн Воиз Кошифий. Лубби лубоби маснавий. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№3041/І.

⁶⁰ Хусайн Воиз Кошифий. Лубби лубоби маснавий. Т.№ 5026 / Нуролиддин бин Живохон таҳрири остида. –Бомбей. –Б. 2.

(Оллоҳ таолога (унинг саховатидан ҳамма баҳраманд бўлсин) ҳамду сано вазифаларини тақдим этишдан сўнг, икки ҳазратнинг ойнасидир...)

Асарнинг кириш қисмида 3та муножот ва 4та наът ёзилган.⁶¹ **1-муножот**да қуйидагилар баён қилинади:

مناجات اول در افاضة بحار موهبت آلى كه سر گشتگان ساحل عدم را قبل از سابقه خدمت و رابطه دعوت استحقاق وجود بخشيد

Яъни, Фано соҳилининг саросималарини хизмат муддати ва таклиф муносабатидан олдин лойиқ деб топган узвий эзгулик денгизларининг ҳайр-саховати борасидадир. Сўнг 43 байтдан иборат шеърий баён келтирилади.

2-муножот қуйидагича баён қилинади:

مناجات دوم در بيان اجابت دعای بنده بر حمت و ميل دادن

Яъни, илтижодаги банданинг дуоси ижобат бўлиши тўғрисида сўз кетади ва сўнгида هو الكبير المتعال و اين مقال жумласи келиб, кетидан 23 байтдан иборат шеърий баён келтирилади.

3- муножот қуйидагича:

مناجات سيوم استدعا می مدد بهنگام حيرت در آن ذات كه كنه معرفتش نه بم تبه ايست كه مشهور و مفهوم و مدرک و معلوم گردد

Яъни, машхур, мафхум ва маълум бўлмиш маърифатининг асоси хорғин майин овозида бўлмаган ул зотнинг хайратланиш чоғидаги мадад, Оллоҳга илтижоси баён қилиниб, кетидан 18 байтдан иборат шеър келтирилади. Шеър тугагач, наътлар бошланади. Наътлар ҳам муножот каби бирин-кетин қуйидаги тартибда ёзилган:

I наът:

نعت اول در صفت خلافت محمدی كه مظهر اسم اعظم و قطب الاقطاب است

“Буюк исм ва энг комил инсон бўлмиш Муҳаммадий халифалиги сифати ҳақида”

II наът:

نعت دوم در بيان آنكه معراج و ترقی بمقام مشاهده و وصول بمرتبه اودنى كه تعين اول است

⁶¹ Ўша асар. I муножот 4-бетдан, II муножот 6-бетдан, III муножот 8-бетдан, наътлар 10,12,14, 16 бетлардан ўрин олган.

“Меърож ва тараққиётнинг илгари тайинланган мартабага кириб келиши ва мушоҳада мақомига эгаллиги баёнида”

III наът:

نعت سیوم در بیان مرتبۀ شفاعت که عبارت از افاضۀ انوار ملکوتیه است

“Илоҳий нурларнинг ҳайр-саҳоватидан иборат шафоат мартабаси баёнида”

IV наът:

نعت چهارم در بیان قطبیت آنحضرت و مرتبۀ خلفای بزرگوارش بدانکه طریقه قطب الاقطاب...

“Энг комил инсон бўлмиш ул ҳазрат ва унинг улуғ халифалари мартабасининг камолоти баёнида”

Наътлардан сўнг Кошифий шеърий йўл билан Маснавийга, унинг қандай асар эканлигига баҳо беради. Аллоҳнинг сифатлари баён қилинади. Ундаги шеърлар орасига Румий Маснавийсидан байтлар ҳам киритилган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, бутун бир асарида шариат, тариқат ва ҳақиқатни англаб етишда Румий Маснавийсидан энг сара байтларни танлаб, сўнг шеърий изоҳлар билан ўз фикрларини тўлдириб боради.

Кошифий Биринчи бобни “**Айни аввал**” (عين اول) деб номлайди ва у шариат йўлларининг баёнига бағишланган. Боб қуйидагича бошланади:

عين اول در بیان حقایق اطوار شرع مبين و دين متين و رحيق تحقيق اين عين که یشرب بها المقرَّبون

Бу бобда шариат атворининг ҳақиқатлари, мустаҳкам дин, унинг тадқиқи ҳақида ёзилган. Боб 7та бўлим (*наҳр*)ларга бўлинади. Бўлимлар эса ўз навбатида фасл (*рашҳа*)ларга бўлиниб, шеърий ҳикоя, насрий баён, масал, латифа, оят ва ҳадислар билан бойитилган.

I бўлим (*наҳр*), яъни **نهر اول** иймон ва унинг ҳақиқати, ибодат ва шаҳодатлар тушунчаларига бағишланган бўлиб, уларга изоҳ ва баёнлар берилган. У қуйидагича номланган:

الانهار اول در بیان ایمان و حقیقت آن و شهادت و عبادت

Ундаги тушунчаларга янада чуқур изоҳ ва тушунтиришлар бериш мақсадида наҳрлар ўз ичида бир неча фаслларга бўлинади.

Биринчи фасли **رشحه اول** (Биринчи фасл иймон ҳақида) деб аталади. Унда иймоннинг икки қисмга – тақлидий ва таҳқиқий қисмларга

бўлиниши тўғрисида мулоҳазалар юритилади. Ушбу мулоҳазаларни Кошифийнинг ўзи келтирган бўлиб, кетидан уларга боғлиқ равишда “Маснавийи Маънавий” ҳикояларидан 37 байт парча келтиради.

Иккинчи фасли *رشحه ثانیہ در بیان شہادت* (Иккинчи фасл шаҳодат баёнида) деб номланади. Унда шаҳодат, унинг уч турга бўлиниши: авом шаҳодати, уламолар шаҳодати ва зодагонлар шаҳодати тўғрисида тушунтириш берилади. Бунга боғлиқ қуйидагича бошланувчи 26 байтдан иборат шеърый парча келтирилади.

مادرین دعوی قاضی قضا بهر دعوی استیم بلی

Учинчи фасли *رشحه ثالث در بیان عبادت* (Учинчи фасл ибодат баёнида) деб аталади. Унда аввал ибодат қилиш тўғрисида, икинчи ўринда итоаткорлик, сўнг тақводорлик ҳақида фикр юритилади. Сўнг фасл мазмунига боғлиқ 11 байтдан иборат шеър келтирилади ва у ушбу жумла билан бошланади:

ما خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ بِخَوَان جز عبادت نیست مقصود از جهان

Бу фаслга боғлиқ яна “Маснавийи Маънавий”дан олинган икки кичик 6 ва 5 байтдан иборат шеърый парчалар изоҳ тарзида киритилган.

پنج وقت آمد نماز زهنمون عاشقانت را صلوة و ایمون

ва

شمس ما درپیش آن دریای نور چون نماید در نگر ای پر غرور

II бўлим (наҳр), яъни نہر ثانی

نہر ثانی در بیان طہارت و صفت نماز و روزہ و زکوۃ و حج و جہاد و اشارت بحقیقت

(Таҳорат ва намоз, рўза ва закот, ҳаж ва жиҳод ҳамда ҳақиқатга ишоралар) деб аталади.

Биринчи фасл *رشحه اول در بیان طہارت* (Биринчи фасл таҳорат баёнида) деб аталади. Бунда зоҳиран пок бўлган инсон ботинан ҳам пок бўлмоғи даркорлиги тўғрисида тушунчалар берилади. Сўнг мазмунини тўлдириб келувчи 9 байтдан иборат шеър келтирилади.

Мазмунини янада бойитиб келувчи “Маснавий”дан бир 16 байтдан иборат шеърый масал келтирилади.

تمثيل در اين باب كه آب رحمت اوليا مطهر انجاس خلاق است و مطهر آن باز رحمت حضرت وهاب است چنانچه
آب همه پلید مهیارا پاک میکند و خدای تعالی باز آن را از پلیدی پاک کند

Яъни, авлиёларнинг раҳмат суви халқнинг гуноҳларини фориғ этиши
тўғрисида бўлиб, ушбу маснавий билан бошланади:

آب بهر اين بباريد از سماک تا پلیدانرا کند از خبث پاک

Иккинчи фасл (Иккинчи фасл намоз баёнида) деб аталади. Сўнг Мавлоно Румийнинг қуйидаги икки байти келтирилади:

مرا غرض ز نماز آن بود که یکساعت غم فراق ترا با تو راز بگذارم
وگر نه این چه نمازی بود که من بی تو نشستہ روی بمحراب و دل بیزارم

“Намоз” тушунчасига изох бериш мақсадида бир фард ҳам киритилган.

در کوی خرابات کسی را که نیاز است هشیاری و مستیش همه عین نماز است

Сўнг Мавлоно Румийнинг намоз ҳақидаги 37 байтли маснавийси
келтирилади:

این نماز آمد سلوک معنوی بی دلیلی در نمازت چون روی

Учинчи фасл (Учинчи фасл рўза баёнида) деб аталади.
Унга боғлиқ қуйидаги байт билан бошланувчи 5 байтдан иборат шеърӣ баён
келтирилади:

هست روزه ظاهر امساک طعام روزه معنی توجه دان تمام

Тўртинчи фасл (Тўртинчи фасл закот баёнида) деб аталади. Фаслга боғлиқ равишда 14 байтдан иборат маснавий келтирилади ва
қуйидаги байт билан бошланади:

جوشش و افزونی زر در زکوة عصمت از فحشا و منکر در صلوة

Бешинчи фасл (Бешинчи фасл ҳаж баёнида) деб аталади. Ҳажнинг 2 хил тури мавжудлиги, бири авом ҳажи, иккинчиси
Оллоҳга яқинлар ҳажи баён қилинади ҳамда Румийнинг бу ҳақида 32 байтдан
иборат айтган гаплари келтирилади:

ای قوم به حج رفته کجائید کجائید معشوقه نه بینید بیائید بیائید
صد بار از آن راه بدان خانه برفتید یکبار از ین راه بدین خانه در آئید

Олтинчи фасл رشحه ششم در بيان جهاد (Олтинчи фасл жиҳод баёнида) деб аталади. Унда кичик ва катта жиҳод мавжудлиги баён қилинади ва жиҳод ҳақида 5 байтдан иборат маснавий келтирилади:

ای خنک آن کو جهادی میکند بر بدن ز جبری و دادی می میکند

Сўнг келтирилган 36 байтли ҳикоя эса “Шайх Айёзнинг курашларда тўқсон маротаба шаҳодат асалидан тотиб кўрганлиги, натижада кичик жиҳод майдонининг катта жиҳод майдонига айланиб кетиши, курашларда кўрганлари орқали вазиятнинг ҳақиқий эканлиги ва ҳақиқатнинг ҳолатини гувоҳи бўлганлиги” тўғрисида бўлиб, қуйидаги байт билан бошланади:

گفت عیاضی نود بار آمدم تن برهنه بود که زخم آیدم

III бўлим (наҳр), яъни نهر ثالث

نهر ثالث در بيان قضا و قدر و جبر و اختیار

(Учинич бўлим тақдир, қисмат, эркинлик ва зарурият) деб номланган. У икки фаслга бўлинади.

Биринчи фасл رشحه اول در بيان قضا و قدر (биринчи фасл тақдир ва қисмат) деб аталади. Ушбу фикр ва баёнларни баён қилиш учун аввал 3 байт, сўнг кичик насрий изох берилиб, 11 байтдан иборат шеърий баён келтирилади. Давомидан “Тақдир” ва “Қисмат” тушунчаларига боғлиқ шеърий 61 байтли ҳикоялар келтирилади.

Иккинчи фасл رشحه دوم در بيان جبر و اختیار (биринчи фасл зарурият ва эркинлик) деб аталади. Ушбу тушунчалар баёни кетидан 76 байтдан иборат шеър келтирилади ва қуйидаги жумла билан бошланади:

جمله عالم مقر در اختیار امرونی این بیار و آن میار

IV бўлим (наҳр), яъни نهر معراج

نهر معراج در بيان عقل و علم و مراتب ایشان

(Тўртинчи бўлим ақл ва илм ва уларнинг мартабалари ҳақида) деб номланган.

Биринчи фасл رشحه اول در توضیح مراتب علم (Биринчи фасл илм мартабалари ҳақида) деб аталади. Бу ерда 6 байтдан иборат шеър келтирилади ва қуйидагича бошланади:

Сўнг илм тушунчасини янада ёритиш мақсадида 204 байтли ҳадис, масал ва 3та ҳикоя келтирилади.

حدیث آنست که دو گرسنه اند که هرگز سیر نشوند جوینده مال و طلب کننده علم و از اینجا معلوم میشود که این علم غیر علم دینی است چرا که علم دینی هم دینی باشد و بران تقدیر این قسمت درست نبود میفرماید

“Мол-мулк излаб ва илм талаб қилиб ҳеч қоринлари тўймайдиган икки очнинг бу ҳолатини диний илмга тўғри келмаслиги ҳамда худди шу каби тақдирни диний илмда ҳам кузатилмаслиги” тўғрисида ҳадис баён қилиниб, қуйида 3 байтдан иборат шеър келтирилади:

پس در ین قسمت چو بگماری نظر	غیر دنیا باشد این علم ای پسر
غیر دنیا پس چه باشد آخرت	کت کند ز اینجا و باشد رهبرت
علم آن باشد که جان زنده کند	مرد را باقی و پاینده کند

Иккинчи фасл رشحه دوم در تبیین مراتب عقل (Иккинчи фасл ақл ҳолати ҳақида) деб номланади. Давомидан келтирилган насрий баёни тўлдириб келувчи 86 байдан иборат шеърий баён келтирилади. Ушбу шеър қуйидаги жумла билан бошланади:

تاچه عالمهاست در سودای عقل تاچه با پهناست این دریای عقل

V бўлим (наҳр), яъни خامس نهر

نهر خامس در بیان خوف و رجا و نتائج الایشان

(Бешинчи бўлим кўрқув, умид ва уларнинг натижалари ҳақида) деб номланган.

Биринчи фасл رشحه اول در بیان تاب آفتاب رجا (Биринчи фасл умид қуёшининг тобланиши ҳақида) деб аталади. Мавзуга боғлиқ “Маснавийи Маънавий” асаридан бир шеърий баён келтирилади. 58 байтдан иборат ушбу шеър қуйидаги матлаъ билан бошланади:

گفت پیغمبر که حق فرموده است قصد من از خلق احسان بوده است

Иккинчи фасл رشحه دوم در بیان خوف (Иккинчи фасл кўрқув баёнида) деб аталади. Бу ҳақда 22 байтли шеърий баён келтирилади. Шеърнинг матлаъси қуйидагича:

لا تخف دان چونکه خوفت داد حق نان فرستد چون فرستادت طبق

VI бўлим (наҳр), яъни سادس

نهر سادس در بيان ميامن عدل و نتائج ظلم و مكافات

(Олтинчи бўлим адолатнинг яхшилиги, зулм оқибатлари ва мукофот турлари) деб номланган. Уч фаслдан иборат.

Биринчи фасл رشحه اول در بيان فوائد عدل (Биринчи фасл адолатнинг фойдалари баёнида) деб аталади. Одилликнинг икки хил турга бўлиниши, юзаки одиллик ва маънавий одиллик ўртасидаги фарқлар борасида насрий тушунча берилади. Кетидан 23 байтдан иборат шеърӣ баён келтирилади. Шеърнинг матлаъси қуйидагича:

عدل چه بود و ضلع اندر موضعش ظلم چه بود و ضلع در ناموقعش

Иккинчи фасл رشحه دوم در بيان نتائج ظلم (Иккинчи фасл зулмнинг оқибатлари баёнида) деб аталади. Зулмнинг икки хил турга – юзаки зулм ва маънавий зулмга бўлиниши ҳақида насрий тушунча берилади. 15 байтдан ташкил топган маснавий келтирилади.

Учинчи фасл رشحه سيوم در بيان مكافات (Учинчи фасл мукофотлар баёнида) деб аталади. 30 байтдан иборат шеърӣ байт келтирилади. Шеър матлаъси қуйидагича:

گرچه ديوار افكند سايه دراز باز گردد سوى او آن سايه باز

VII бўлим (наҳр), яъни سابع

نهر سابع در بيان حشر و نشر

(Етинчи бўлим мулоқот баёнида) деб номланган. Бўлим 8 фаслни ўз ичига олади.

Биринчи фасл رشحه اول در بيان آنکه وراى اين جهان جهان ديگر هست (Биринчи фасл бу оламдан бошқа яна бир олам борлиги баёнида) деб аталади. 7 байт келтирилган июўлиб, қуйидаги маталаъ билан бошланади:

آن جهان و راهش اړپيدا شدى كم كسى يك لحظه اينجا بدى

Сўнг 14 байтли масал келтирилади ва у қуйидагича номланган:

تمثيل در بيان آنکه هر چند دانايان بنيا از سر عالم لاهوت خبر ميدهند مقيدان مضيق ناسوت بواسطه نادانى و نابينائى
تصديق نمى نمايد و جز عالمى ظاهر عالم نمى شناسند

(Зийрак доноларнинг маънавий оламдан хабар берсалар-да, уни табиат маскани билан боғлиқ инсонлар нодонлик ва кўрликлари билан

тасдиқламасликлари ҳамда ушбу оламдан бошқа бир олам кўринишини билмасликлари баёнида).

Иккинчи фасл رشحه دوم در بیان آنکه روز قیامت روز عرضست و عالم حشر میزان امتحان (Иккинчи фасл қиёмат кунининг майдон экани, мулоқот оламининг синов мезони экан баёнида) деб аталади. 14 байтли шеър келтирилади. Шеър матлаъси қуйидагича ёзилган:

چون قیامت روز عرض اکبر است عرض او خواهد که با زیب و فراست

Келтирилган 20 байтли ҳикоя “Луқмони Ҳаким ва хоинлар ҳиёнати ҳақида хикматли сўзларни изҳор этиш” тўғрисида бўлиб, қуйидаги жумла билан бошланади:

بود لقمان پیش خواجه خویشتن در میان بندگاناش خوارتن

Учинчи фасл رشحه سیوم در بیان آنکه در مرگ حکمت بسیار است (Учинчи фасл ўлимда ҳикмат кўплиги баёнида) деб аталади. 12 байтли шеър келтирилади. Шеър матлаъси қуйидагича:

تو از ان روزی که در هست آمدی آتشی یا خاک یا بادی بدی

Давомидан ушбу фаслга боғлиқ 19 байтдан иборат шеърӣ ҳикоя ва 20 байтли хикмат келтирилади.

Тўртинчи фасл رشحه چهارم در بیان آنکه تن لباس روح است (Тўртинчи фасл тан руҳнинг либоси экани баёнида) деб аталади. Насрий изоҳдан сўнг, 37 байтли шеър келтирилади. Шеърнинг бошланишидаги матлаъси қуйидагича:

تو بدان کین تن بود همچون لباس روح را او لابس آمد در قیاس

Бешинчи фасл رشحه پنجم در بیان آنکه حشر خلاق بر صور اعمال ایشان خواهد بود (Бешинчи фасл кичик қиёматдан сўнг ҳалойиқнинг қилган амалларига яраша мулоқоти баёнида) деб аталади. Насрий изоҳдан сўнг, 29 байтли шеърӣ баён келтирилади. Шеър қуйидаги матлаъ билан бошланади:

خوش کن صفتت چرا که در عالم حشر حشر تو بصورت صفت خواهد بود

Олтинчи фасл رشحه ششم (Олтинчи фасл ўлимни хоҳловчи кишилар баёнида) деб аталади. Насрий изоҳдан сўнг 72 байтдан иборат шеърӣ баён келтирилади ва ушбу матлаъ балан бошланади:

صورت تن گویر و من کیستم نقش کم ناید چو من قیستم

Еттинчи фасл (Еттинчи фасл ихтиёрий ўлим ва унинг ўртача қиёмат дейилиши баёнида) деб аталади. 46 байтли шеър келади. Шеър матлаъси қуйидагича:

مرگ پیش از مرگ امنست ای فتا اینچنین فرمود مارا مصطفی

Саккизинчи фасл (Саккизинчи фасл **решче ҳаштем** дар بیان بهشت و دوزخ و متعلقات ایشان жаннат, дўзах ва уларнинг аломатлари баёнида) деб аталади. 61 байтдан иборат шеърӣ баён келтирилади. Баёнлар орасида бир неча қисқа насрий изоҳлар ҳам берилган бўлиб, шеър қуйидаги матлаъ билан бошланади:

حق همیگوید که دیوار بهشت نیست چون دیوارها بی جان و زشت

ИККИНЧИ БОБ “عين ثانی”

عين ثانی در دقایق اسرار طریقت

(Иккинчи боб тариқат сирларининг нозик нуқталари баёнида) деб номланган. Насрий баёндан сўнг, қуйидаги матлаъ билан бошланувчи 4 байтли шеър келтирилади:

گفت پیغمبر که نعمتهای حق اندر ین ایام می آرد سبق

Боб 6та бўлим (наҳр)га бўлинади ва бўлимлар ўз навбатида фаслларга бўлиниб кетади.

I бўлим (نهر اول)

نهر اول در بیان آنچه سالک را در بدایت سلوک طریق طریقت بکار آید

(Сулукнинг аввалида соликка тариқат йўли зарур бўлиши баёнида) деб номланган. Бу бўлим 4та фаслга бўлинади.

Биринчи фасл (Биринчи фасл **решче اول** дар тиббиё ва бидарӣ аз خواب غفلت уйқусидан бедор бўлиш баёнида) деб аталади. 7 байтдан иборат шеърӣ баён келтирилади. Сўнг масал келтирилади, унинг сарлавҳаси қуйидагича:

تمثيل کردن تن بمهمان خاجه و احوال بمهمانان و عزيز داشتن این مهمانان غیبی را که چون بروند دیگر بار نیایند بلکه آینده جمعی دیگر باشند چنانچه در حشر نقد دانستی

Иккинчи фасл (Иккинчи фасл **решче دوم** дар بیان توبه тавба баёнида) деб аталади. Қисқача насрий изоҳ берилиб, 33 байтдан иборат шеър келтирилади. Сўнг икки ҳикоя ва бир масал келтирилади.

Учинчи фасл رشحه سیوم در بیان صحبت نیکان و پیوستن بدیشان (Учинчи фасл яхшилар суҳбати ва уларга етишиш) деб аталади. Кетидан 62 байтдан иборат шеърий баён келади. Давомидан ушбу фасл мавзусига оид 4та ҳикоя келади.

Тўртинчи фасл رشحه چهارم در بیان صحبت عارفانست (Тўртинчи фасл орифлар суҳбати тўғрисида) деб талади. Мазмунини тўлдириш мақсадида 15 байтдан иборат шеърий баён келтирилади. Шеър қуйидаги матлаъ билан бошланади:

این طلبگاری مبارک دخوش است این طلب در راه حق مانع کش است

II бўлим (نهر ثانی)

نهر ثانی در بیان توسل بذیل ارشاد پیر کامل

(Пири комилнинг иршодига етишиш баёнида) деб номланган. Икки фаслга бўлинади.

Биринчи фасл رشحه اول در صفت شیخی (Биринчи фасл шайхнинг сифати баёнида) деб аталади. Давомидан 55 байтдан иборат шеърий келтирилади. Шеър қуйидаги матлаъ билан бошланади:

شیخ که بود پیر یعنی موسفید معنی این موبدان ای با امید

Сўнг масал ва ҳикоялар келтирилади.

Иккинчи фасл رشحه ثانی در بیان آداب (Иккинчи фасл одоб баёнида) деб аталади. Мисол тариқасида қуйидаги матлаъ билан бошланувчи шеърий келтирилади.

از خدا خواهیم توفیق ادب بی ادب محروم گشت از لطف رب

Мазкур шеър узун бўлиб, 14 ва 23-байтлардан сўнг кичик ва қисқа насрий баёнлар берилган. 28-байтдан сўнг “Одоб” тушунчасининг 8 та турлари ва сифатлари бирма-бир кўрсатиб ўтилади.

III бўлим (نهر ثالث)

نهر ثالث در بیان سیر و سلوک

(Учинчи бўлим сайру сулук баёнида) деб номланган. Бўлим ўз ичига 4та фаслни олади.

Биринчи фасл رشحه اول در بیان سیر و سلوک (Биринчи фасл сайру сулук баёнида) деб аталади. 22 байтли шеърий баён келтирилади. Шеър қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Иккинчи фасл (Иккинчи фасл **رشفه ثانی** در بیان آنکه این راه بی حمایت رهبری نتوان رفت) бу йўлни раҳбар ҳимоясиз босиб ўтиш мумкин эмаслиги баёнида) деб талади. 33 байтдан иборат шеърий баён келтирилади. Ушбу фасл мазмунига боғлиқ масал келтирилган.

Учинчи фасл رشحه سيوم در بيان حزم و احتياط (Учинчи фасл огоҳлик ва эҳтиёткорлик баёнида) деб аталади. 31 байтли шеърий баён келтирилади. Давомидан ушбу фасл мазмунига оид бир ҳикоя келтирилади.

Тўртинчи фасл رشحہ چہارم در بیان جذبہ (Тўртинчи фасл жазба баёнида) деб аталади. Насрий баёндан сўнг 32 байтдан иборат шеър берилади.

IV бўлим (نهر رابع)

نهر رابع در اقسام رياضات و مجاهدات

(Тўртинчи бўлим риёзат ва ҳаракатнинг турлари) деб номланган. Бўлимда 10та талаб ҳақида насрий тушунчалар берилган. Сўнг 10 та фаслда бу ҳақда батафсил маълумот берилган.

Биринчи фасл **رشحه اول** در بيان ترك دنيا (Биринчи фасл тарки дунё қилиш ҳақида) деб аталади. Насрий баёндан сўнг 12 байтдан иборат шеър келтирилади.

Иккинчи фасл رشحه دوم در مخالفت نفس (Иккинчи фасл нафсга қаршилик қилиш баёнида) деб аталади. Насрий баёндан сўнг 16 байтдан иборат шеър келади.

Учинчи фасл (Ножинс одамлардан
қочиш, хилват ва узлатнинг фойдалари баёнида) деб аталади. 10 байтли
шеърый баён келтирилган.

Тўртинчи фасл در ترک سخن (Сўзлашишни тарк этиш баёнида) деб аталади.
Насрий тушунтиришдан сўнг 26 байтли шеърий баён келтирилади.

Бешинчи фасл (Уйқуни тарк этиш ҳамда бедорлик натижалари баёнида) деб аталади. Насрий тушунтиришдан 41 байтли шеър келтирилган.

Олтинчи фасл در ترك خوردن فضولى و طلب غذاى روحانى (Кўп ейишни тарк этиб, рухий ғизо қидириш баёнида) деб аталади. Насрий тушунтиришдан сўнг 125 байтли шеър келтирилган.

Еттинчи фасл اشاره در ترك راحت (Рохатдан воз кечиш) деб аталади. Бу мазмунда келтирилган шеър 15 байтдан иборат.

Саккизинчи фасл مقاله در ترك تقليد (Тақлидни тарк этиш ҳақида мақола) деб аталади. 16 байтдан иборат шеърий баён келтирилган.

Тўққизинчи фасл در ترك ناز (Нозни тарк этиш баёнида) деб аталади. 18 байтдан иборат шеърий баён келтирилган.

Ўнинчи фасл در ترك شهرت (Шухратни тарк этиш баёнида) деб аталади. 48 байтни ўз ичига олувчи шеър берилган.

V бўлим (نهر خامس)

نهر در بيان آنکه سالک را در وسط سلوكيه آيد

(Бешинчи бўлим соликка сулук ўртасида келадиган воқеалар баёнида) деб номланган. Насрий тушунчалардан сўнг, улар ҳақида 10 фаслда шеърий ва насрий маълумотлар берилган.

Биринчи фасл رشحه اول در حسن خلق (Биринчи фасл ҳусни хулқ баёнида) деб аталади. 14 байтли шеър келтирилади. Шеър қуйидаги матлаъ билан бошланади:

من ندیدم در جهان جستجو اهلّیت به از خلق نکو

Сўнг 8 байтли шеърий масал келтирилган.

Иккинчи фасл رشحه دوم در در صفت صدق (Иккинчи фасл садоқат сифати ҳақида) деб аталади. 7 байтли шеър келтирилган.

Учинчи фасл رشحه سوم منبع کذاب هواى نفس است (Учинчи фасл ёлғончининг манбаси ҳавоий нафс эканлиги баёнида) деб аталади. Мисол тариқасида 2 байтли шеър ва 14 байтдан иборат масал келтирилаган.

Тўртинчи фасл رشحه چهارم آنکه يکى از علامت صدق وفای عهود (Тўртинчи фасл аҳдга вафо қилишликнинг аломати ваъдага вафо қилиши эканлиги баёнида) деб аталади ва 25 байтли шеър келтирилади.

Бешинчи фасл رشحه پنجم در بیان جود (Бешинчи фасл олийҳимматлик баёнида) деб аталади. 20 байтдан иборат шеър келтирилган.

Олтинчи фасл رشحه ششم در بیان شکر (Олтинчи фасл шукр баёнида) деб аталади. 55 байтли шеър келтирилган.

Еттинчи фасл رشحه هفتم در بیان رضا (Еттинчи фасл розилик баёнида) деб аталади. 31 байтли шеър келтирилган.

Саккизинчи фасл رشحه هشتم بصفت حسد (Саккизинчи фасл ҳасад баёнида) деб аталади. 99 байтдан иборат шеър келтирилган.

Тўққизинчи фасл رشحه نهم در بیان توکل و تقویض (Тўққизинчи фасл таваккал ва ишонч баёнида) деб аталади. 30 байтдан иборат шеър келтирилган.

Ўнинчи фасл رشحه دهم در بیان اخلاص (Ўнинчи фасл ихлос баёнида) деб аталади. 8 байтдан иборат шеър келтирилган. Сўнг фасл мазмунига боғлиқ икки ҳикоя келади.

VI бўлим (نهر سادس)

نهر سادس در بیان صفاتی را که سالک را بنهایت طریق طریقت رساند...

(Олтинчи бўлим солиқни тариқат охирига етказувчи сифатлар баёнида) деб номланган. Бу бўлим 8 та фаслдан ташкил топган.

Биринчи фасл رشحه اول در بیان سماع (Биринчи фасл симоъ баёнида) деб аталади.

Иккинчи фасл رشحه دوم در بیان ذکر (Иккинчи фасл зикр баёнида) деб аталади. 13 байтли шеър ва бир ҳикоя келтирилган.

Учинчи фасл رشحه سوم در بیان تفکر (Учинчи фасл тафаккур баёнида) деб аталади. 94 байтдан иборат шеър келтирилган.

Тўртинчи фасл رشحه چهارم در بیان آنکه هراسمی را حقیقی است (Тўртинчи фасл ҳар исмнинг ҳақиқийлиги баёнида) деб аталади. 28 байт шеър келтирилган.

Бешинчи фасл رشحه پنجم در بیان یقین و ترک تردد و اضطراب (Бешинчи фасл комил ишонч, иккиланиш ва изтироб баёнида) деб аталади. 84 байтдан иборат шеър келтирилган.

Олтинчи фасл رشحه ششم در بیان معرفت انسان (Олтинчи фасл инсон маърифати баёнида) деб аталади. 71 байтли шеър келтирилган.

Еттинчи фасл رشحہ ہفتم سر در بیان معرفت روح انسان (Еттинчи фасл инсон руҳининг маърифати баёнида) деб аталади. 25 байтдан иборат шеър келтирилган.

Саккизинчи фасл رشحہ هشتم در بیان تصوف و صفت فقر (Саккизинчи фасл тасаввуф ҳамда фақирлик баёнида) деб аталади. 17 байтли шеър келтирилган.

УЧИНЧИ БОБ “عين سوم”

عين سوم در لوايح انوار حقيقت و فراست

(Учинчи боб ҳақиқат ва фаросат нурларининг чиқиши баёнида) деб номланган. Боб 3 та бўлимга бўлинади ва улар ўз навбатида фаслларга ажратилган.

I бўлим (نهر اول)

نهر اول در بيان عشق

(Биринчи бўлим ишқ баёнида) деб аталади. Ушбу бўлим ўз ичига 6 фаслни олади.

Биринчи фасл رشحہ اول در بيان صفتي چند از لوازم عشق (Биринчи фасл ишқ учун лозим бўлган бир неча сифатлар баёнида) деб аталади. 51 байтдан иборат шеър келтирилган.

Иккинчи фасл رشحہ دوم در بيان عشق عاشق حقيقي (Иккинчи фасл ишқ ва ҳақиқий ошиқ баёнида) деб аталади. 36 байтдан иборат шеър келтирилган.

Учинчи фасл رشحہ سوم در بيان استيلاي شعلات عشق (Учинчи фасл ишқ шуълаларини истило қилиш баёнида) деб аталади. 28 байт шеър келтирилган.

Тўртинчи фасл رشحہ چهارم در ندمت عشق مجازی و غافل ماندن از عشق حقيقي (Тўртинчи фасл мажозий ишқ надомати ва ҳақиқий ишқдан ғофил қолиш баёнида) деб аталади. 26 байтдан иборат шеър келтирилган.

Бешинчи фасл رشحہ پنجم در بيان تجريد عاشق و تخليص از تعلق (Бешинчи фасл ошиқнинг ёлғиз бўлиши ва тўсиқлардан узоқ бўлиши баёнида) деб аталади. 4 байтли шеър ва фасл мазмунига боғлиқ масал ва ҳикоя келтирилган.

Олтинчи фасл رشحہ ششم در اتحاد عاشق با معشوق (Олтинчи фасл ошиқнинг маъшуқ билан бирлашуви баёнида) деб аталади. 5 байтли шеър ва икки ҳикоя келтирилган.

II бўлим (نهر دوم)

نهر دوم در بيان مقامات

(Иккинчи бўлим мақомот баёнида) деб номланган. Бўлим 5 та фаслга бўлинади.

Биринчи фасл رشحه اول در بيان مشاهده (Биринчи фасл мушоҳада баёнида) деб аталади. 57 байтдан иборат шеър келтирилган. Орада қисқача насрий тафсилотлар ҳам бериб ўтилган.

Иккинчи фасл رشحه دوم در بيان قبض و بسط (Иккинчи фасл сиқилиш ва ёзилиш баёнида) деб аталади. 26 байтдан иборат шеър келтирилган.

Учинчи фасл رشحه سوم در بيان شكر عشق (Учинчи фасл ишқнинг шукронаси баёнида) деб аталади. 59 байтдан иборат шеърий баён ва бир латифа келтирилган.

Тўртинчи фасл رشحه چهارم در بيان آنکه حيرت مانع بحث و فکر است (Тўртинчи фасл ҳайрат баҳс ва ўйга монеълик қилиши баёнида) деб аталади. 4 байтли шеър келтирилган. Яна қўшимча бир қисқа ҳикоя ҳам берилган.

Бешинчи фасл رشحه پنجم در بيان قرب (Бешинчи фасл қурб (яқинлик) баёнида) деб аталади. 29 байтли шеърий баён келтирилган.

Олтинчи фасл رشحه ششم در بيان وصلت (Олтинчи фасл етишиш баёнида) деб аталади. 64 байтдан иборат шеър келтирилган. Сўнг битта ҳикоя илова қилинган.

III бўлим (نهر سوم)

نهر سوم در نهايت مراتب سلوك

(Учинчи бўлим солиқ мартабаларининг ниҳояти) деб номланган. Бўлим 3 та фаслга бўлиган.

Биринчи фасл رشحه اول در بيان معرفت (Биринчи фасл маърифат баёнида) деб аталади. 23 байтдан иборат шеър берилган.

Иккинчи фасл رشحه دوم در بيان فنا (Иккинчи фасл фано бёнида) деб аталади. 7 байтли шеър келтирилган. Сўнг мазмунга мос масал ва ҳикоя берилган.

Учинчи фасл رشحه سوم در بيان توحيد (Учинчи фасл тавҳид баёнида) деб аталади. 4 байтдан иборат шеър келтирилган. Мазмунга мос битта ҳикоя ва латифа илова қилинган.

Асар хотимаси шеърӣ баён билан якунланади. Шеър 110 байтдан иборат. Бошланиши қуйидагича:

هان وهان هشدار برناری دمی اولاً بر حسب طلب كن محرمی

Бу боб ҳақида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Кошифӣ Румӣ асарига ўзгача ёндошган. Асарни Румӣ асарида мавжуд бўлмаган бобларга, бўлимларга ва фаслларга ажратган. Ҳар бир боб, бўлим ва фасллар учун насрий тушунчалар ёзиб, шу боб, бўлим ва фасл учун Румӣ асарининг ҳар бир жилдидан керакли байтларни йиғиб олган. Румӣ байтларини келтириш билан бирган ўзининг фикрларини ҳам ўз қаламига мансуб бўлган шеърлар билан ифодалаб берган. 6 жилддан иборат бўлган “Маснавий”дан яхлит бир китоб чиқариб олиб, уни “Лубби лубоби Маснавий” (“Маснавий мағзининг мағзи”) деб атаган. Дўстларининг илтимоси билан юзага келган бу китоб “Маснавий”ни тушунишга катта ёрдам берган. Шунинг учун бу асар қўлёзма ва босма нусхаларда кенг тарқалган ва севиб ўқилган.

2.2. “Маснавий” билан “Лубби лубоб”нинг орасидаги фарқ

“Маснавийи Маънавий”нинг яратилиши дунё халқлари учун муҳим маънавий бойлик бўлди. Бу асарда тасаввуф, шеърият, чуқур маърифий мазмун, одоб масалалари, инсонийлик масалалари, гуманизм, дидактик ҳикоялар ва бошқа ҳаёт учун керакли сабоқ берадиган масалалар ўрин олган. Асардаги энг муҳим мавзу Ишқдир. Ишқ масаласи мусулмон Шарқидаги деярли барча тасаввуф тариқатларида мавжуд бўлиб, энг муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Мана шу жиҳатлари билан ҳам асар нафақат ўша давр илм аҳллари, балки бугунги замон илм аҳллари диққатини ҳам ўзига тортди келмоқда. “Маснавий” билан боғлиқ тадқиқотлар муаллиф вафотидан кейинок бошланган эди. Дастлабки тадқиқот Кичик Осиё худудида, Жалолиддин Румийнинг ўғли Султон Валад ва шогирди Аҳмад Румӣ

томонидан тузилган “Маснавий”даги айрим тушунилиши қийин сўзларнинг изоҳли луғати саналади.

“Маснавий”га шарҳ ёзиш бора-бора анъанага айланган. Натижада, “Маснавий”шунослик илми шаклланган ва бугунги кунда ҳам ривожланмоқда. Суфиёна асарни ўқиб уни тушуниш бир мунча қийинчилик туғдиргани табиий. Чунки асарда сўфиёна мазмундаги тушунчалар, иборалар, рамзлар ва истилоҳлар (терминлар) мавжуд. Сўфий ё шайх тарафидан вазд ва ҳол ҳолатида ёки муридларга панд-насихат қилиш жараёнида баъзи сўзлар истилоҳ хусусиятига эга бўла бошлаган. Баъзида сўфий шоирлар истиора, киноя, мажозлардан фойдаланиб, баъзи ибораларни ишлатганларки, улар рамз шаклини олиб, сўнгра истилоҳ сифатида қўлланила бошлаган”.⁶² Аста-секин тасаввуф адабиётида тасаввуф терминлари луғатлари ёзила бошланди. Буларга қуйидаги манбаларни киритишимиз мумкин: Али бин Саррож Тусийнинг “Ал-ламаъ” асари, Абулқосим Қушайрийнинг “Рисолаи Қушария” асари, Абу Исмоил Абдуллоҳ бин Муҳаммад Ансорийнинг “Манозил ус-соирин” асари ва бошқалар.⁶³ Ушбу анъана бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. “Маснавий”да учрайдиган сўфиёна тушунчаларни янада соддароқ тушунтириш мақсадида луғатлардан ташқари иловалар, шарҳлар, ҳошиялар, назиралар ёзилгани ёки ундан лавҳалар кўчирилиб алоҳида китоб ҳолига келтирилгани, асардаги атамаларга изоҳлар тузилгани, асар бошқа тилларга таржима қилингани маълум.

Бизнинг илмий тадқиқот ишимизнинг асоси ҳисобланган “Лубби лубоби Маснавий” асари ҳам “Маснавийи Маънавий”га ёзилган шарҳ асар бўлиб, ушбу асар орқали “Маснавийи Маънавий” қандай асар эканлиги, унда нималар баён қилинганлигини тўлалигича ўрганиб чиқиш мумкин. Лекин бунда уларнинг иккиси бир хил асар деб ҳисоблаб бўлмайди. Шу боис биз ўз илмий тадқиқот ишимизни олиб боришда бу икки асарнинг ўртасидаги фарқли томонларини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик.

⁶² Назаров Б. Маснавийшунослик анъаналари. Шарҳ машғали. №1. –Т., 2009. –Б. 13.

⁶³ Назаров Б. Маснавийшунослик анъаналари. Шарҳ машғали. №1. –Т., 2009. –Б. 13.

Бебаҳо асар ҳисобланмиш “Маснавийи Маънавий” асарида юзлаб зарурий масалалар силсиласи, жумладан, умумий маърифат, илоҳият ва инсон мавжудиятининг хилма-хил қирралари хусусида баҳс юритилади. Дунё зиддиятлари, зиддиятларнинг ўзаро вобасталиги, дунёда миллиард шаклу шамойилда мавжуд бўлган ашёларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига ўтиш – эврилишлари, модда алмашишнинг заррадан коинот қадар амал қилиши, ҳаёт ва ўлим сабаблари, жисм ва руҳ, одам ва Илоҳ ҳақида ёзилади ва булар ажабтовур мантиқ билан таҳлил ва тадқиқ этилади. Ундан ташқари тасаввуф, шеърят, чуқур маърифий мазмун, одоб масалалари, инсонийлик масалалари, гуманизм, дидактик ҳикоялар ва бошқа ҳаёт учун керакли сабоқ берадиган масалаларни оддий латифалар, ҳикоялар билан ёритилади. Булар орқали фалсафий-сўфиёна маънолар чиқарилиб, теран тафаккур доирадан доирага, даражадан даражага кўтарилиб боради. Оддий қилиб айтганимизда бу асар инсонларни эзгу ишлар билан шуғулланишга ташвиқ этади. Асарнинг “Лубби лубоби Маснавий” асари билан ўхшаш томонлари ҳам мана шундадир. “Лубби лубоби Маснавий” асарида ҳам тасаввуф, инсонийлик, одоб ва гуманизм масалалари ҳикоя ва ривоятлар орқали ёритилади. Лекин бу икки асар орасидаги фарқ шундаки, Кошифий “Маснавийи Маънавий” асарида баён қилинган масалаларни “Лубби лубоб” асарига киритиб, уларга мисоллар келтиради. “Маснавий”нинг энг нозик жойларидан Кошифий керакли бир нечта байтларинигина олиб, уларга содда ва лўнда шарҳ тарзида ўзи шеърий баён ёзиб, ўз асарини бойитади.

Икки асар орасидаги фарқ “Лубби лубоб”нинг 13397 рақамли ва “Маснавий”нинг 14418 рақамли тошбосмалари орқ⁶⁴али қуйидаги тартибда ўрганиб чиқилди:

1. Асарларнинг **тузилиши** орасидаги фарқлари:

⁶⁴ Кейинги ўринларда ЎзРФАШИ ҚФда сақаланаётган Ҳусайн Воиз Кошифий ва Мавлоно Жалолиддин Румийнинг мазкур асарлари нусхаларидаги тафовутли жойлар қиёсий ўрганилиши боис навбатдаги иқтибосларда саҳифалар солиштирилган ҳолда келади. Шунинг учун асарлар қисқа “Лубби лубоб” ёки “Маснавийи Маънавий” шаклда кўриниш олади.

“Маснавий” олти дафтардан иборат бўлиб, биринчи дафтарда 4018 байт, иккинчи дафтарда 3810 байт, учинчи дафтарда 4811 байт, тўртинчи дафтарда 3855 байт, бешинчи дафтарда 4240 байт, олтинчи дафтарда 4928 байт мавжуд. Жами 25700 байт ва 53860 ми срани ўз ичига олади.⁶⁵

“Лубби лубоб” асари эса уч бобга бўлиниб, I боб (عين اول) “Айни аввал Жомеъ ул-атвори шариат” (Биринчи боб – шариат йўлларининг мажмуаси). II боб (عين دوم) “Махзан ул-асрори тариқат” (Тариқат сирларининг хазинаси). III боб (عين سوم) “Матлаъ ул-анвори ҳақиқат” (Ҳақиқат нурларининг чиқиш жойи) деб аталади. Боблар эса ўз ичида бир неча нахр(бўлим) ва рашҳа (фасл)ларга бўлинади.

2. Асарларнинг **кириш қисми**, яъни бошланишидаги фарқлари:

“Маснавий”нинг 1-жилди бошланишидан олдин қисқача кириш сўз ёзилган бўлиб, унда Малоно Жалолиддин Румий ўз асари борасида қисқача маълумот бериб ўтади. Жумладан, қуйидагиларни ўқиймиз:

“Бу “Маснавий” китобидир. Бу китоб дин усуллари усулининг усули, Ҳақ таъолога ва Ҳақиқатга етишиш сирларининг кашшофи. Бу буюк фикр, Оллоҳ таъоло динининг очиқ-ошкор далили, бурҳони ва тақво китобидир. Ҳақ таъоло бу китобни мақбул айласин”. Ушбу қисқача кириш сўздан сўнг мисол тариқасида бир нечта оятлар келтириб ўтилади.

Кириш қисмининг бошланиши қуйидаги жумла билан бошланади:

المحمد الله الذى اشأ ثرفى حجاب غيبه يا لغنى والق

“Лубби лубоб” асарининг бошланиши ҳам кириш қисм билан бошланиб, унда асар уч бобга бўлиниши, 1- боб шариат йўлларининг баёнига, 2- боб тариқат сирлари баёнига, 3- боб ҳақиқат нурларининг баёнига бағишланган. Буларга қўшимча равишда Кошифий томонидан учта муножот, тўртта наътлар битилган. Кириш қисмининг якунида асарнинг қандай асар эканлиги борасида сифатлар келтирилиб, шеърӣ баён билан изоҳлаб берилади. “Лубби лубоб ”нинг кириш қисми қуйидаги жумла билан бошланади:

بعد از تقديم وظائف ثناء حضرت واجب الوجود عم جوده كه لب لباب معنوى را كه مرآة الحضرتين ست...

⁶⁵ Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. I китоб. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2001. –Б. 13.

(Оллоҳ таолога (унинг саҳоватидан ҳамма баҳраманд бўлсин) ҳамду сано вазифаларини тақдим этишдан сўнг, икки ҳазратнинг ойнаси).

3. Асарларда келтирилган **муножотлар** орасидаги фарқ:

“Маснавий” асарида 3 та муножот келтирилган бўлиб, улар асарнинг 5-жилдида берилган.

“Лубби лубоби Маснавий” асарида ҳам 3 та муножот келтирилган бўлиб, бу муножотлар асарнинг кириш қисмида келтирилади. Асарлардаги муножотлар бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг фарқи шундаки, “Лубби лубоби”даги муножотларнинг байтларининг баъзилари “Маснавий”даги муножотларнинг ўзидан, баъзи байтлари эса асарнинг бошқа жилдларидаги турли ҳикоя ва ҳадисларнинг шеърӣ байтларидан тарнлаб олинган.

1) Ўзгартирилмай киритилган байт:

ای دعا ناگفته از تو مستجاب داده دل را هر دمى صد فتجاب⁶⁶

2) Сўзларининг баъзилари ўзгарган байтлар:

“Маснавий”да келтирилган 2-муножотнинг таркибидаги байтлар:

ای که جان خیره را هبر کنی وى که بى ره تو پیغمبر کنی
میکنی جزو زمین را آسمان می فزایی در زمین از احتران⁶⁷

“Лубби лубоби”даги 1- муножот таркибидаги байтлар:

ای که جان خیره را هبر کنی وى که قلب تیره را انور کنی
میکنی جزو زمین را آسمان می فزایی در زمین از احتران⁶⁸

3) Байтнинг бош қисми “Маснавий”нинг муножотидан олиниб, қолган қисми асарнинг бошқа жилдларидаги исталган ҳикояларнинг шеърӣ байтларидан олиниб, мазмунини бир-бирига мос равишда бир муножот ҳолига келтирилган. Икки асар орасидаги муножотларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари қуйидагича:

“Маснавий”нинг 1- муножотининг бошланиш қисмидаги байт.

⁶⁶ “Маснавийи Маънавий”, 1-муножот, 5-байт, 5-жилд, 15- бет; “Лубби лубоб”, 1-муножот, 7-байт, 7-8 бет.

⁶⁷ “Маснавийи Маънавий”, 2-муножот, 5 ва 6-байтлар, 5-жилд, 26-бет.

⁶⁸ “Лубби лубоб”, 1-муножот, 3 ва 4-байтлар, 4-5 бет.

ای خدا بی نظیر ایثار کن گوش را چون حلقه دادی زین سخن⁶⁹

“Лубби лубоби”нинг 2- муножотдаги биринчи байт.

ای خدا زاری زما رحمت ز تو رحمت با زاری ما کرده رو⁷⁰

4. Наътларда келтирилган шеърий байтлар орасидаги фарқлар:

“Маснавий” асарида алоҳида “наът” деб номланган қисмга ажратилмаган. “Лубби лубоб” асарининг кириш қисмида “наът” қисми мавжуд бўлиб, ундаги шеърий байтлар “Маснавий”нинг турли жилдларидаги дебоча ёки ҳикояларнинг шеърий байтларидан олинган. Мисол тариқасида “Лубби лубоб”нинг 2-наътида келтирилган шеърий байтларнинг бошидаги 7 байти “Маснавий”нинг 1-дафтарыдаги бир ҳикоянинг охириги қисмидаги байтлардан олинган. Ушбу ҳикоя ва олинган 7та шеърий байтнинг биринчи байти қуйидагилардан иборат:

”قصه مکر خرگوش”

Яъни, “Қуённинг макри ҳақида”.

آنکه پاره کوشش شکست در رسید اورا براق و بر نشت⁷¹

5. Кириш қисмларидаги “дебоча”ларнинг ёзилишидаги фарқлар:

“Маснавий”нинг ҳар бир жилди дебоча билан бошланади. Ҳар бир дебочада турли масалалар баён қилинади. “Лубби лубоб” асари эса бир китобдан иборат бўлганлиги сабабли унга 1 та дебоча ёзилган. У ҳам бўлса асарнинг кириш қисмида, яъни муножот ва наътлардан сўнг келтирилади. Унда “Лубби лубоб” асарига баҳо ва сифатлар берилади. Асардаги шеърий баённинг баъзилари “Маснавий”нинг дебочасидан келтирилади. Қуйидаги байтлар “Маснавий”нинг 4-дафтарыдаги дебочадан олинган :

ای ضیاء الحق حسام الدین توئی	که گذشت از مه بنورت مثنوی
همت عالی توئی ای مرتجا	میکشد این را خدا داند کجا
گردن این مثنوی را بسته	میکشی آنسوش که دانسته
مثنوی را چون تو مبداء بوده	گر فزون گردد تواش افزوده

⁶⁹ “Маснавийи Маънавий”, 1-муножот, 1-байт, 5-жилд, 15- бет.

⁷⁰ “Лубби лубоб”, 2-муножот, 1-байт, 7- бет.

⁷¹ “Маснавийи Маънавий”да 1-жилд, 42-бет; “Лубби лубоб”да 1-жилд, 11-бет.

Ушбу байтлар “Лубби лубоб” асарининг кириш қисмига дебоचा тарзида киритилган. Шеърӣ байтларнинг орасига Кошифӣй томонидан ёзилган бир ёки икки байтлар киритилган ҳолатни ҳам учратиш мумкин. Масалан, қуйидаги байтда Кошифӣйнинг фикри келтирилган бўлиб, юқорида келтириб ўтилган “Маснавий” байтларидан сўнг келтирилади:

شمس خود عين است تو عين منى ديدۀ اما بغايت روشنى⁷²

Баъзи олинган байтларнинг баъзи сўзлари ўзгарган ҳолда келган ҳолатни ҳам учратиш мумкин. Мисол тариқасида юқорида келтириб ўтилган байтлардан сўнгги 9-байт “Лубби лубоб” асарида қуйидагича ёзилади:

ديدۀ غيبت چو غيبت اوستاد كم مبادا از جهان ديد و داد

6. Баён қилиш (ёзилиш) тартибига кўра фақлари:

“Маснавийи Маънавий” ҳикоя ичида ҳикоя тарзида ёзилган. Муаллиф бир ҳикоя ёки қиссани бошлайди. Сюжетни моҳиятини очишда ўз ақли ва тасаввуридаги фикрлар ҳамда хулосаларини айтиб ўтади ва лозим бўлса шу мавзуга оид яна бир бошқа ҳикоя ёки қиссани мисол тариқасида бериб, унинг таркибига ҳам ўз мулоҳазаларини сингдиради. Шундай қилиб, Мавлоно мажозий ҳикояда яширинган тасаввуфӣй маънони янада кенгроқ, ойдинроқ, мисолларга бойитилган ҳолда ўқувчига етказди.

“Лубби лубоби Маснавий” асаридаги бобларда тасаввуф, унинг асослари, “Маснавий”да тилга олинган истилоҳлар батафсил баён қилинади. Сўнг бобларнинг таркибидаги бўлим ва фаслларда ҳар бир тушунча ва истилоҳларга бирма-бир таъриф бериб ўтилади. Мазмунини тўлдиришда эса шеър, ҳикоя, масал ва латифалардан намуналар киритилган. Улар эса “Маснавий”даги узун байтлардан қисқартирилиб, яъни керакли ва мазмунан мос келувчи байтларгина олинган. Баъзи шеърӣ байтларнинг орасида уларга бир-икки байтлар билан изоҳлар бериб кетилади.

7. Бир мавзу ёки тушунча ва масалаларни асарнинг **қисмларига ажратилишига** кўра фарқлари:

⁷² “Лубби лубоб”да 22-байт 24- бет.

“Маснавий”да баён этилувчи барча тушунча ва масалалар алоҳида тартибда қисмларга ажратилмайди. Асар фақатгина шеърий масал, ҳикоя, ҳадис ва латифалардан иборат. Масалан, ошиқ, одоб, илм, намоз каби тушунчалар бир-бирига боғлиқ бўлмай, бирин-кетин таъриф ҳам берилмаган ҳолда ҳикоялар ва ҳадислар орқали ёритиб кетилади.

“Лубби лубоби Маснавий”да тушунча ва масалалар бир-бирига боғлиқлик жиҳатларига кўра бобларнинг ичидаги бўлим ва фаслларга ажратилган ҳолда таърифлаб кетилади. Масалан, I бобнинг 1-бўлимида иймон ва ибодат, ҳақиқат ва шаҳодат масалаларига қисқача таърифлар берилиб, сўнг қисқа шеърий изохлар ҳамда уларнинг мазмунига боғлиқ ҳикоя ва масаллар билан ёритиб кетилади.

8. Асарларда келтирилган **шеърий байтлар** ва ҳикоя ва ҳадислар, масал ва латифаларнинг қилиниши ҳамда номланиши орасидаги фарқлар:

“Маснавий”да тушунчаларга таъриф бериб ўтирилмайди. Асарда шеърий баён ва масаллар, ҳикоя ва ҳадислар ёзилган бўлиб, уларнинг мазмуни оқали керакли хулосалар чиқариб олинади. Чиқарилган хулосалар орқали тасаввуф илмининг ҳар бир тушунча ва масалалари ўрганиб борилади.

“Лубби лубоби Маснавий”да ҳар бир тушунчага алоҳида таъриф бериб борилади, сўнг уларга ҳикоя ва масаллардан намуналар келтирилади. Шу боис икки асарда баён қилинувчи шеърий байт ва ҳикояларни “Лубби лубоб” асарининг учта бобида баён қилинувчи тушунчаларга боғлаган ҳолда фарқларини ажратиб чиқишга ҳаракат қилдик.

“Лубби лубоб”нинг **I бобида** “Айни аввал – жомеъ ул-атвори шариат”, яъни **“Шариат йўллариининг мажмуаси”**га боғлиқ тушунчаларни баён қилишда келтирилган байт ва ҳикоялар:

1) “*Иймон*” тушунчасини баён қилишда аввал унга шеърий изох келтирилгач, сўнг мисол тариқасида шеърий ҳикоя келтирилади⁷³. Ундаги шеърий байтлар “Маснавий”нинг 5-дафтаридagi⁷⁴ ҳикояларнинг биридан

⁷³ “Лубби лубоб”да 1- бўлим, 1-фасл, 27-28 бет.

⁷⁴ “Маснавийи Маънавий”да 5-жилд, 98-бет.

олинган. Ҳикоя 11 байтли шеърӣ баёндан иборат бўлиб, қуйидаги байт билан бошланади:

بود گبری در زمان بایزید گفت اورا یک مسلمانی سعید

Фарқли томони шундаки, “Лубби лубоб”-да шеърӣ баён 9 байтдан иборат бўлиб, қуйидаги 2 байт⁷⁵ учратилмаиди:

گرچه در ایمان و دین ناموqتم لیک در ایمان و بس مومنم
مومن ایمان اویم در نهان گرچه مهرم هست محکم بر دهان

Шеърӣ баённинг сўнгги байтлари ҳам қуйидагича, яъни ўрни алмашган тартибда фарқланади:

عشق او ز آورد ایمان بفرسد چون با ایمان شما او بنگرد⁷⁶
چون با ایمان شما او بنگرد عشق او ز آورد ایمان بفرسد⁷⁷

Ҳикояларнинг номлари эса қуйидагича фақланади:

“Лубби лубоб” асарида:

حکایت آن کسی که بایمان سلطان العارفين حسرت میخورد ولی طاقت آن نمی آورد و ایمان دیگرانرا در حساب
نمیداشت که آن را جسم بی جان میدید

Яъни, “Орифлар Султонининг иймониға ҳасад қилган, ҳатто унга тоқат қилолмай, бошқа кимсаларнинг иймонини ҳам назарига олмаган, уни жонсиз бир жисм сифатида кўрган кимса” тўғрисида.

“Маснавийи Маънавий” асарида:

حکایت کافری که گفتندش در عهد بایزید که مسلمان شو و جواب گفتن او ایشان را

Яъни, “Боязид замонида бир кофирга, мусулмон бўл, дейишгани, унинг бу сўзга жавоб бергани” тўғрисида деб, қисқача сарлавҳа қўйилган.

2) “Шаҳодат” тушунчасини баён қилувчи шеърӣ байтлар:

Ушбу тушунчага қисқача таъриф берилгач, 26 байтдан иборат шеърӣ баён келтирилади. Уларнинг таркибидаги қуйидаги икки байт, яъни 9 ва 10-байтлар “Маснавий”нинг 5-дафтаридаги бир ҳадис шарҳидан олинган.

این نماز و روزه و حج و جهاد هم گواهی دادنست از اعتقاد

⁷⁵ “Маснавийи Маънавий”-да 5 ва 7-байтлар 5-жилд, 98-бет.

⁷⁶ 1-байт “Маснавийи Маънавий” шеърӣ баённинг сўнгги байти.

⁷⁷ 2-байт “Лубби лубоб” шеърӣ баённинг сўнгги байти.

“Маснавий” асарида ушбу икки байт ҳадиснинг бошланиш байтлари бўлиб, шеърий баён 17 байтни ўз ичига олади. Ҳадисда қуйидаги масалалар баён қилинишига кўра қуйидагича номланади:

بیان آن که نماز و روزه و همه چیزهای برونی گواهیها است بر نور اندرونی

Яъни, “Ул ҳақдаким, намоз, рўза ва бошқа зоҳирӣй ишлар ботинӣй нурдан гувоҳлик бергай”.

3) “Таҳорат” тушунчасини таърифлашда келтирилган шеърий байтлар:

آب چون این کار کرد و شد نجس	تا چنان شد کاب را رد کرد حس
حق بردش باز در بحر سواب	تا بشستش از کرم آن آب آب
سال دیگر آمد آن دامن کشان	هی کجا بودی بد ریای خوشان
هین بیائید ای پلیدان سوی من	که گرفت از خوی یزدان خوی من
در پزیرم جمله ز شتیست را	چون ملک پاکی دهم عفریت را
چون شوم آلوده پاک آنجاروم	سوی اصل اصل پاکیا دوم
دلچ چرکن بر کنم آنجا ز سر	خلعت پاکم دهد بارد گر
کار او اینست و کار من همین	عالم آرایست رب العالمین
گر نبودى این پلیدیهای ما	کی بدی این یار نامه آب را ⁷⁹

Ушбу 9 байтдан иборат шеърий байт “Лубби лубоб” асарининг “таҳорат” тушунчасини баён қилишга бағишланган фаслининг бир масалида келтирилади. Масал 16 байтдан иборат бўлиб, қайд этиб ўтилган 9 байт “Маснавий”нинг 5-дафтаридagi ҳикоялардан бирининг таркибидан олинган. Қолган байтлар “Маснавий”нинг бошқа жилдларидаги ҳикояларнинг таркибидagi шеърий байтлардан олинган. Ҳикоя 17 байтли шеърий баёндan иборат.

Масал ва ҳикояларда қуйидаги воқеа тўғрисида ҳикоя қилинади:

“Лубби лубоб” асарида:

تمثيل در این باب که آب رحمت اولیا مطهر انجاس خلایق است و مطهر آن باز رحمت حضرت و هاب است چنانچه
آب همه پلید مهیارا پاک میکند و خدای تعالی باز آن را از پلیدی پاک کند

⁷⁸ “Лубби лубоб” да I боб, 1-бўлим, 2-фасл, 30-бет; “Маснавийи Маънавий” да 5-жилд, 10-бет.

⁷⁹ “Лубби лубоб” да I боб, 2-бўлим, 1-фасл, 33-34бет; “Маснавийи Маънавий” да 5-жилд, 11-бет.

Яъни, “Авлиёларнинг раҳмат суви халқнинг гуноҳларини фориғ этиши, сув барча ифлосликларни тозалагани, худойи таоло яна барча ифлосликлардан сувни поклагани тўғрисида”.

“Маснавийи Маънавий” асарида:

پاک کردن آب همه پلیدیها را و باز پاک کردن خدای تعالی آب را از پلیدی، لاجرم قدوس آمد حق تعالی

Яъни, “Сув барча ифлосликларни тозалагани, худойи таоло яна барча ифлосликлардан сувни поклагани, ҳақ таоло барча нуқсонлардан мусаффо эканлиги” ҳақида.

Демак “Лубби лубоб”да сарлавҳа кенгайтирилиб ва тушунарлироқ қилиб берилган.

4) “Намоз” тушунчасини таърифлашда келтирилган байт ва ҳикоялар:

“Лубби лубоб”да намоз тушунчасига таъриф беришда “Маснавий” асарининг 3-дафтаридagi учта бир-бирига боғлиқ бўлган ҳикояларнинг таркибидан олинган шеърий байтлар келтирилади. Олинган байтлар бирлаштирилиб, битта изоҳ тарзида ёзилган шеърий байтга айлантирилган. Шеър 37 байтни ўз ичига олади. 1-ҳикоянинг таркибидagi байтлар қуйидагилардан иборат:

این نماز امر سلوک معنوی	بی دلیلی در نمازت چون روی
چون امام چشم روش در صلوه	چشم روش بایدادر پیش شاه
در شریعت هست مکروه ای کیا	در امامت پیش کردن کور را
گرچه حافظ باشد وچست و فقیه	چشم روشن به اگر باشد سفید
کور را پرهیز نبود از قدر	چشم باشد اصل پرهیز و حذر
او پلیدی را نه بیند در عبور	هیچ مومن را مبدا چشم کور
کور ظاهر در نجاست ظاهر است	کور باطن در نجاست سر است ⁸⁰

1- ҳикоя 38 байтдан иборат бўлиб, бош қисмидаги 7 байт “Лубби лубоб” асарига киритилган. Ҳикоя эса “Маснавий”да қуйидаги воқеа ҳақида баён қилиб келади:

پیش رفتن دقوقی به امامت

Яъни, “Дақуқийнинг имомлик этмоқ учун олдинга ўтгани” ҳақида.

⁸⁰ “Лубби лубоб”да I боб, 2-бўлим, 2-фасл, 35-бет; “Маснавийи Маънавий”да 3-жилд, 27-бет.

1 ва 2-байтлари “Маснавий”даги байтлардан бирмунча фарқ қилади:

این سخن پایان ندارد تیز دو	هین نماز آمد ذقوی پیش رو
ای امام چشم روشن در صلا	چشم روشن بایدادر پیش روا

2- ҳикоя 27 байтдан ташкил топади. Улардан 21 байти “Лубби лубоб” асаридаги шеърӣ баёнга киритилади. Ушбу ҳикоядан олинган 21 байт қуйидаги байт билан бошланади:

معنی تکبیر اینست ای امیم	کای خدا پیش تو ما قربان شدیم
--------------------------	------------------------------

Ушбу байт “Маснавий”да байтнинг бир сўзи билан фарқ қилиб келади:

معنی تکبیر اینست ای امام	کای خدا پیش تو ما قربان شدیم
--------------------------	------------------------------

Ҳикоя мазмунига кўра қуйидагича номланади:

اقتدا کردن قوم از پس ذقوی

Яъни, “Ул қавмнинг Дақуқий ортида туриб, уяга иқтидо этганлари” тўғрисида.

3- ҳикоя 9 байтдан иборат бўлиб, қуйидаги байт билан бошланади:

انبیا گویند روز چاره رفت	چاره آنجا بود و دست افراز رفت
--------------------------	-------------------------------

Яна бир фарқли томони шундаки, ушбу ҳикоянинг қуйидаги 2-байти “Лубби лубоб” асарига киритилмаган:

مرغ بی هنگامی ای بد بخت رو	ترک ما گو خون ما اندر مشو
----------------------------	---------------------------

“Лубби лубоб” асаридаги шеърӣ баённинг қуйидаги сўнги 9-байти эса “Маснавий” асарида учратилмайди:

بشنو از اخبار آن صدر الصدور	لاصلوة تم إلا بالحضور
-----------------------------	-----------------------

“Маснавий” асаридаги ушбу 3-ҳикоя мазмунига кўра қуйидагича номланади:

بیان اشارت سلام سوی دست راست در قیامت از هیبت محاسبه ی حق و از انبیا استعانت و شفاعت خواستن

Яъни, “Ўнг тарафга салом бермоқ қиёматда Ҳақ ҳисобидан кўрқиб, пайғамбарлардан ёрдам ва шафоат сўрамоққа ишоратдир” тўғрисида баён қилинади.

5) “Рўза” тушунчаси билан боғлиқ шеърӣ байтлар:

Рўза тушунчасига қисқача таъриф берилгач, шеърий изоҳ тарзида 5 байтдан иборат шеър келтирилади. Ушбу байтлардан уч байти, яъни 3, 4, 5-байтлар “Маснавий”нинг 5-жилдидаги бир ҳадис шарҳидан олинган.

روزه گوید کرد تقوی از حلال	در حرامش دان که نبود اتصال
هست گریه روزه دار اندر صیام	خفته کرده خویش بهر صید خام
کرده بد زین ظن کج صد قوم را	کرده بدنام اهل جود و صوم را ⁸¹

Ҳадис 17 байтдан иборат бўлиб, қуйидагича номланади:

بیان آن که نماز و روزه و همه چیزهای برونی گواهیها است بر نور اندرونی

Яъни, “Ул ҳақдаким, намоз, рўза ва бошқа зоҳирӣй ишлар ботиний нурдан гувоҳлик бергай”.

Учинчи байтдаги баъзи бир сўз ўзгарган ҳолатда келади:

کرده بد ظن زین کژی صد قوم را	کرده بدنام اهل جود و صوم را ⁸²
------------------------------	---

б) “Ҳаж” тушунчасини баён қилишда келтирилган шеърий байтлар.

سوی مکّه شیخ امت بایزید	از برای حج و عمره میدوید
او بهر شهری که رفتی از نخست	مر عزیز انرا بکردی باز جست ⁸³

Ушбу икки байт “Маснавий”нинг 2-дафтаридagi ҳикояларнинг биридан олинган бўлиб, 9 байтдан иборат шеърий баённи ўз ичига олади. “Лубби лубоб”да эса 24 байтли шеърий баёндan ташкил топади. Ҳар икки асарда ҳам шеърий байт ушбу икки байт билан бошланиб, қолган қисми бир-биридан бутунлай фарқ қилади. Лекин фарқ қилса-да, шеърий байтларнинг қолган қисми “Маснавий”нинг бошқа жилдларидаги шеърий байтлар билан бир хил бўлиши мумкин.

Ҳикоялар қуйидагича номланади:

“Лубби лубоб” асарида:

حکایت طواف کردن سلطان العارفين گرد حریم حرمت که دلش کعبه حقیقی بود که قلب المومن بیت الله

Яъни, “Орифлар Султонининг марказида ҳақиқий каъба жойлашган Байтуллоҳнинг мўминлар қалби ҳисобланувчи муқаддас макон атрофини тавоф қилишлари ҳақида”.

⁸¹ “Лубби лубоб”да I боб, 1-бўлим, 3-фасл, 37-38-бет; “Маснавийи Маънавий”да 5-жилд, 10-11 бет.

⁸² “Маснавийи Маънавий”да 12-байт, 5-жилд, 11-бет.

⁸³ “Лубби лубоб”да 2-бўлим, 5-фасл, 39-40 бет; “Маснавийи Маънавий”да 2-жилд, 63-бет.

“Маснавийи Маънавий” асарида:

رفتن بایزید بسطامی بکعبه و در راه بخدمت بزرگی رسیدن و گفتند آن بزرگ که کعبه منم مرا طواف کن

Яъни, “Бир шайхнинг Боязидга, мен-Каъбамен, атрофимдан айланиб, мени тавоф эт, дегани” ҳақида.

7) “Илм” тўғрисида келтирилган шеърий байт ва ҳикоялар:

Илм тўғрисида изох бериб ўтилгач, мисол тариқасида бир шеърий ҳикоя келтирилади. 145 байтдан ташкил топган ушбу ҳикоянинг қуйидаги байтлари “Маснавий”нинг 4-дафтаридagi бир ҳикоядан олинган:

از فضیحت کی کند صد ارسلان	آنچه منصب میکند با جاهلان
مارش از سوراخ بر صحرا شتافت	عیب او محفی است چون آلت بیافت
چونکه ناکس اهل حکم مُر شود	جمله صحرا مار و کژدم پر شود
طالب رسوائی او خود بداست	مال و منصب ناکسی آرد بدست
جاه پندارید و در چاهی افتاد ⁸⁴	حکم چون در دست گمراهی فتاب

“Манавий”даги ҳикоя 17 байтли шеърий байтдан иборат. Олинган байтларнинг баъзиларининг таркибидаги сўзларини ўзгарган ҳолда келган ҳолатини учратишимиз мумкин.

چونکه جاهل شاه حکم مُر شود	جمله صحرا مار و کژدم پر شود
طالب رسوائی خویش او شده ست	مال و منصب ناکسی گارد بدست

Икки асардаги ҳикоялар мазмунига кўра қуйидагича фарқланади:

“Лубби лубоб” асарида:

حکایت آن طالب که شجره حیات محیبت و ندانست که آن درخت علم است که هر که از میوه او چشیده بحیوة ابد رسید
الناس موتی و اهل العلم احاء مثنوی

Яъни, “Толибнинг ҳаёт дарахтига сакраганлиги ва уни илм дарахти эканлигини билмаганлиги ҳамда қачонки унинг мевасидан тотиб кўрганда, абадий ҳаётга етишгани” тўғрисида.

“Маснавийи Маънавий” асарида:

بیان آن که حصول علم و مال و جاه مرید گویان را فضیحت اوست و چون شمشیری است که افتاده ست به دست
راه زن

⁸⁴ “Лубби лубоб”да I боб, 4-бўлим, 1-фасл, 56-57-бет; “Маснавийи Маънавий”да 4-жилд, 50-бет.

Яъни, “Наслу насаби паст, тубан кишиларнинг илму ирфон, молу давлат эгаси бўлиши – хатарлидир, бу карокчининг қўлига қилич тутқазиш ила баробар”.

8) “Ақл” тушунчаси билан боғлиқ шеърий байт ва ҳикоялар:

“Лубби лубоб” асарида ақл тушунчасига таъриф ва изоҳлар берилгач, 28 байтдан иборат шеърий баён келтирилади. Шеърий байт таркибидаги қуйидаги 10-байт “Маснавий”нинг 4-дафтаридagi ҳикояларнинг биридан олинган:

عقل ضد شهوتست ای پهلوان آنکه شهوت می تند عقلش مخوان⁸⁵

“Маснавий”да 40 байтдан иборат шеърий ҳикоя ушбу байт билан бошланиб, қуйидаги воқеа ҳақида ҳикоя қилинади:

در بیان آنکه وهم قلب عقل است و ستیزه ی اوست، بدو ماند واو نیست و قصه ی مجاوبات موسی علیه اسلام که صاحب عقل بود با فرعون که صاحب وهم بود

Яъни, “Ваҳм ақлнинг рақибидир, ҳамиша ақлу идрок ила жанг айлар. Ваҳм ақлга ўхшар, аммо ақл бўлолмас. Ақл соҳиби Мусо алайҳиссаломнинг ваҳм соҳиби Фиръавн билан талашгани”.

9) “Рух” тушунчасини баён қилишда келтирилган шеърий байт ва ҳикоялар:

Рух тушунчаси ва у билан боғлиқ масалаларни баён қилишда унга қўшимча равишда 16 байтли шеърий байт келтирилади. Ушбу шеърий байтнинг 4 байти, яъни 1, 9, 10, 11-байтлари “Маснавий”нинг 3-дафтаридagi бир ҳикоядан олинган. Шеър байтлари қуйидагилардан иборат:

روح را او لابس آمد در قیاس	تو بدان کین تن بود همچون لباس
غیر ظنهر دست و پای دیگرست	روح را توحید الله خوشتر است
آن حقیقت دان مدانش از گزاف	دست و پا در خواب بینی ایتلاف
پس مترس از جسم جان بیرون شدن ⁸⁶	آن توئی که بی بدن داری بدن

“Маснавий” асаридаги ҳикоя 4 байтдан иборат кичик ҳикоя бўлиб, 1-байти баъзи сўзлари билан фарқланади.

⁸⁵ “Лубби лубоб”да I боб, 4-бўлим, 2-фасл, 10-байт, 69-бет; “Маснавийи Маънавий”да 4-жилд, 79-бет.

⁸⁶ “Лубби лубоб”да 7-бўлим, 4-фасл, 90-91-бет; “Маснавийи Маънавий”да 3-жилд, 89-бет.

Ҳикоя қуйидаги тушунчалар ҳақида баён қилади:

در بیان آن که تن روح را چون لباسی است و این دست آستین دست روح است و این پای موزه ی پای روح است

Яъни, “Ул ҳақдаким, тан-руҳнинг либоси, қўл-руҳ қўлининг енги, оёқ-руҳ оёғининг этигидир”.

“Лубби лубоб”нинг **II бобида** “Махзан ал-асрори тариқат”, яъни **“Тариқат сирларининг ҳазинаси”**га боғлиқ тушунчаларни баён қилишда келтирилган байт ва ҳикоялар:

1) “Тавба” тушунчасини баён қилишда келтирилган байт ва ҳикоялар.

Тавба тушунчасига берилган таърифдан сўнг мисол тариқасида икки ҳикоя ва бир тамсил келтирилади. Ҳикояларнинг таркибидаги байтлари ва номлари қуйидагича фарқланади:

“Лубби лубоб” асаридаги 1-ҳикоя 39 байтдан иборат бўлиб, бошидаги 21 байти “Маснавий”нинг 2-дафтаридаги 34 байтдан иборат бир ҳикоядан олинган. Олинган байтлардан баъзиларининг ўринлари, яъни кетма-кетлиги алмашган ҳолда келтирилган жойлари ҳам учрайди. Ҳикояларнинг шеърий баёни қуйидаги байт билан бошланади:

آن یکی میگفت در عهد شعیب که خدا از من بسی دیدست عیب⁸⁷

Ҳикоялар мазмунига кўра қуйидагича фарқланади:

“Лубби лубоб” асарида:

حکایت در بیان آنکه اگر حضرت کریم گناهای بنده را بستر کرم می پوشد و آدمی تصور میکند که حق تعالی اورا نمیگیرد...

Яъни, “Агар Ҳазрати Карим банданинг гуноҳларини илоҳий ёпинчиқ билан ёпиб қўйса, инсон уни Ҳақ таоло олмайди, деб тасаввур қилиши” тўғрисида.

“Маснавийи Маънавий” асарида:

دعوی کردن آن شخص که خدای تعالی مرا نمیگیرد به گناه و جواب گفتند شعیب علیه اسلام مر اورا

Яъни, “Бировнинг Тангри таоло менинг гуноҳларимга боқмайди, деб даъво қилгани ва Шуайб алайҳиссаломнинг унга жавоб бергани” тўғрисида.

⁸⁷ “Лубби лубоб”да 1-бўлим, 2-фасл, 118-119 бет; “Маснавийи Маънавий”да 2-жилд, 95-бет.

1-ҳикоянинг кейинги 6 байти “Маснавий”нинг 5-дафтаридаги бир ҳикоядан олинган. Ушбу байтларнинг биринчи байти ва “Маснавий”даги ҳикоянинг бошланиш байти қуйидагича бошланади:

نقض میثاق و شکست و توبه ها موجب لعنت بود در انتها

“Маснавий”нинг 5-дафтаридаги ушбу ҳикоя қуйидагича номланади:

در بیان آنکه نقض عهد و توبه موجب بلا بود بلکه موجب مسخ است چنان که در حق اصحاب سبت و در حق اصحاب مایده ی عیسی که...

Яъни, “Ул ҳақдаким, тавбани бузмоқ инсонга бало келтирур, ҳаттоки уни ҳайвон сувратига солур”.

2-ҳикоя 23 байтли шеърӣ баённи ўз ичига олади. Улардан 7 байти “Маснавий”нинг 6-дафтаридаги бир ҳикоядан олинган. Ҳикоялар қуйидаги байт билан бошланади:

سرفه بشنید در شب معتمد بر گرفت آتش زنه گاتش زند⁸⁸

Ҳикоялар номланишига кўра қуйидагича фақланадилар:

“Лубби лубоб” асарида:

حکایت حال کسی که دروست مکر شیطان اسیر است واز ونجیبر بواسطه ظلمت غفلت

Яъни, “Тўғридан тўғри шайтоннинг макрига асир бўлувчи шахс” тўғрисида.

“Маснавийи Маънавий” асарида:

قصه ای هم در تقریر این آیت

Яъни, “Шу мазмунда бир оят” ҳақида.

Масал ҳам мисол тариқасида келтирилиб, 19 байтли шеърӣ баённи ўз ичига олади. Масалдаги шеърӣ байтлар “Маснавий”нинг 6-дафтаридаги бир ҳикоядан олинган. Ҳикоя 36 байтдан иборат бўлиб, улардан 6 байти олинган. Ушбу 6 байт таркибида “тавба” тушунчаси балан боғлиқ қуйидаги байт келтириб ўтилади:

توبه آرند و خدا توبه پزیر امر او گیرند و او نعم الامیر⁸⁹

Ҳикоя ва тамсилларнинг номлари қуйидагича:

“Лубби лубоб” асарида:

⁸⁸ “Лубби лубоб”да 1-бўлим, 2-фасл, 120 бет; “Маснавийи Маънавий”да 6-жилд, 19-бет.

⁸⁹ “Лубби лубоб”да 1-бўлим, 2-фасл, 122 бет; “Маснавийи Маънавий”да 6-жилд, 98-бет.

تمثيل از قصه کودک طبعانی که در باز یگاه دنی نقد عم بر باد دهند و بآخر صالح مانند

Яъни, “Ўйин майдонида нақдини қўлдан бой берган ва охири солиҳ бўлган бола” тўғрисида.

“Маснавийи Маънавий” асарида:

بیان استمداد عارف از سر چشمه ی حیات ابدی و مستغنی شدن

Яъни, “Орифнинг адабий ҳаёт сарчашмасидан мадад истагани” ҳақида.

2) “Одоб” тушунчасини баён қилишда келтирилган байтлар.

Одоб тушунчасига келтирилган шеърий байтлар “Маснавий”нинг барча жилдларида баён қилинувчи шеърий байтларнинг таркибидан олинган. Одоб тушунчасининг ўзи турларга бўлинган ҳолда баён қилинади. Шу боис унга боғлиқ шеърий байтлар ҳам кўп келтирилган бўлиб, улардан қуйидаги беш байтини мисол тариқасида келтириб ўтамиз:

از خدا خواهیم توفیق ادب	بی ادب محروم گشت از لطف رب
بی ادب تنها نه خود را داشت بد	بلکه آتش در همه آفتاب زد
هر چه بر تو آید از ظلمات غم	آن زیبایی باکی و گستاخیست هم
بد ز گستاخی کسوف آفتاب	شد عزاز یلی ز جرات رد باب
از ادب پر نور کشتست این فلک	وز ادب معصوم و پاک آمد ملک ⁹⁰

Ушбу 5 та шеърий байтлар “Маснавий” асарининг 1-дафтарыдаги 3-ҳикоядан олинган. Шеърий байтларнинг 1, 2, 12, 14, 15- байтлари олинган. Ҳикоя 15 байтдан иборат бўлиб, қуйидаги воқеа ҳақида ҳикоя қилинади:

از خداوند ولی التوفیق درخواستن توفیق رعایت ادب در همه حالها و بیان کردن و خامت ضررهای بی ادبی

Биринчи байтдаги баъзи бир сўз ўзгарган ҳолатда келади:

از خدا جوییم توفیق ادب بی ادب محروم گشت از لطف رب⁹¹

3) “Нафс” тушунчаси билан боғлиқ шеърий байт ва ҳикоялар:

“Маснавий”нинг 3-дафтарыдаги ҳикояларнинг биридан олинган қуйидаги байтлар нафс тушунчасини баён қилишда бир ҳикоянинг таркибида келтирилади:

عقل گاهی غالب آید در شکار بر سک نفست که شد با شیخ یار

⁹⁰ “Лубби лубоб”да 2-бўлим, 2-фасл, 155-156 бет; “Маснавийи Маънавий”да 1-жилд, 13-бет.

⁹¹ “Маснавийи Маънавий”да 1-жилд, 13-бет.

چون به نزدیک ولی الله شود	آن زبان صد گزش کوتاه شود
صد زبان و هر زبانش صد لغت	زرق و داستانش نیاید در صفت
شهر را بفریید الا شاه را	ره نتاند زد شه آگاه را
نفس را تسبیح و مصحف در یمین	خنجر و شمشید اندر آستین
مصحف و سالوس او باور مکن	خویش با او همسر و همسر مکن
سوی حوضت آور دهر وضو	واندر اندازد ترادر قعر جو ⁹²

Ушбу шеърӣ байт 67 байтдан иборат ҳикоянинг таркибида келиб, улардан ушбу 7 байти, яъни тартиби бўйича 46-байтдан 52-байтгача бўлган байтлар “Маснавий”нинг ушбу жилдидан олинган байтлар ҳисобланади. “Маснавий” асарининг ўзида байтлар тартиби бўйича 44, 47, 48 ва 50-байтдан 53-байтгача бўлган байтлар бўлиб келади.

Ҳикоянинг номлари қуйидагича фақланади:

“Лубби лубоб” асарида:

حکایت آن پسر که مادر را کشت بجهت آنکه او را با یکی جمع دیده بود و چون گفتندش که چرا آنکس را نکشتی گفت من اصل را کشتم فرع خودتایع اوست و این مثلی ست هر نفس فاجره

“Маснавийи Маънавий” асарида:

بیان آنکه نفس آدمی به جای آن خونی است که مدعی گاو گشته بود و آن گاو گشونده عقل است و داود حق است یا شیخ که نایب حق است که به قوت و یاری او تواند ظالم را کشتن و توانگر شدن به روزی بی کسب و بی حساب

4) **“Шукр”** тушунчаси билан боғлиқ шеърӣ байт ва ҳикоялар:

Шукр тушунчасига таъриф берилгач, мисол тариқасида 55 байтли шеърӣ баён келтирилади. Ушбу байтлар “Маснавий”нинг исталган жилдидаги исталган ҳикояларининг таркибидаги шеърӣ байтлардан мазмунини бир-бирига боғлаб олинган ва бир шеърӣ баён шаклида “Лубби лубоб” асарида киритилган. Масалан, шеърӣ байтнинг бошидаги уч байти “Маснавий”нинг 3-дафтаридаги ҳикоялардан бирининг таркибидан олинган. Ушбу уч байтнинг биринчи байти қуйидагилардан иборат:

ابنیا گفتند در دل علتی است که از ان در حق شناسی آفتی ست⁹³

“Маснавий”даги ҳикоя мазмунига кўра қуйидагича номланади:

آمدن پیغامبر ان از حق به نصیحت اهل سبا

⁹² “Лубби лубоб”да II боб, 4-бўлим, 2-фасл, 202-бет; “Маснавийи Маънавий”да 3-жилд, 93-бет.

⁹³ “Лубби лубоб”да 5-бўлим, 6-фасл, 267-бет; “Маснавийи Маънавий”да 3-жилд, 102-бет.

Яъни, “Сабо аҳлига насихатлар айлаш учун Тангридан пайғамбарлар келишгани” ҳақида.

5) “*Тафаккур*” тушунчасига келтирилган шеърий баён ва ҳикоялар:

Ушбу тушунчани баён қилишда 94 байтдан иборат шеърий баён келтирилади. Шеърий баённи таркибидаги байтлар “Маснавий”нинг турли қисмлардаги ҳикояларнинг шеърий байтларидан керакли байтлари олиниб, “Лубби лубоб” асарига мазмунан боғланган ҳолда, шеърий баён тарзида киритилган. Масалан, қуйидаги байт “Маснавий”нинг 1-дафтаридаги ҳикоялардан бирининг таркибидан олинган:

چون در معنی زنی بازت کنند پرّ فکرت زن که شهبازت کنند⁹⁴

Ҳикоя мазмунига кўра қуйидагича номланади:

قبول کردن خلیفه هدیه را و عطا فرمودن با کمال بی نیازی از آن هدیه و از آن سبب

Яъни, “Халифа совғани қабул қилиши ва ўша совға ва кўзадан жуда минаддор бўлиши” тўғрисида.

Шеърий баённинг бошқа байтларидан 5 байти “Маснавий”нинг 1-дафтаридаги бошқа бир ҳикоянинг таркибидан олинган. Ушбу 5 байтнинг биринчи байти қуйидагича:

صورت از معنی چو شیراز بیشه دان با چو آواز و سخن ز اندیشه دان⁹⁵

Ҳикоя қуйидаги воқеани баён қилади:

هم در بیان مکر خرگوش

Яъни, “Қуённинг макри ҳақида”.

Шу тартибда шеърий баённинг қолган байтлари ҳам “Маснавий”нинг барча жилдларидаги барча ҳикоялардан керакли мазмундаги байтлар олиниб ёзиб борилади.

“Лубби лубоб”нинг **III бобида** “Матлаъ ал-анвори ҳақиқат”, яъни “**Ҳақиқат нурларининг чиқиш жойи**”га боғлиқ тушунчаларни баён қилишда келтирилган байт ва ҳикоялар:

1) “*Ишқ* ва *ошиқ*” тушунчаси қуйидаги байтлар билан баён қилинади:

⁹⁴ “Лубби лубоб”да 6-бўлим, 3-фасл, 313-бет; “Маснавийи Маънавий”да 1-жилд, 90-бет.

⁹⁵ “Лубби лубоб”да 6-бўлим, 3-фасл, 313-бет; “Маснавийи Маънавий”да 1-жилд, 7-бет.

هر چه گويم عشق را شرح و بيان	چون بعشق آيم خجل گردم ازان
گرچه تفسير زبان رو شنگر است	ليک عشق بزبان رو شنتر است
چون قلم اندر نوشتن می شتاف	چون بعشق آمد زبیت بر شگافت
عقل شرحش چو خردر گل بخت	شرح عشق و عاشقی هم عشق گفت
آفتاب آمد دليل آفتاب	گر دليلت بايد از وی رومتاب ⁹⁶
عاشقی پیدا است از زاری دل	نیست بیماری چو بیماری دل
علت عشق ز علتها جداست	عشق صطرلاب اسرار خداست
عاشقی گرزین سر و گرزان سراسر است	عاقبت مرابد ان سرد هبرست ⁹⁷

Бошидаги беш байт “Лубби лубоб” асарининг “Ишқ ва ошиқ” мавзусига бағишланган бўлимнинг 1-фаслида, қолган уч байтлар 2-фаслида шеърий баён тарзида келтирилади. “Маснавийи Маънавий” асарида эса 1-дафтардаги ҳикоялардан бирининг таркибида келтирилади. Ҳикоя 43 байтдан иборат бўлиб, қолган 35 байти “Маснавий”нинг бошқа жилдларидаги ҳикояларнинг таркибидан олинган. Барча олинган байтлар бирлаштирилиб, қуйидаги тартибда, яъни 1-фаслда 51 байт, 2-фаслда 36 байт шеърий баён тарзида киритилган.

“Маснавий” асарида келтирилган ҳикояда қуйидаги воқеа ҳақида баён қилинади:

بردن پادشاه آن طبیب را بر سر بیمار تا حال اورا ببیند

Яъни, “Шоҳнинг табибни бемор ҳузурига элтгани хусусида”.

2) “Мушоҳада” тушунчасини баён қилишда келтирилган байт ва ҳикоялар:

Ушбу тушунчага берилган таърифни тўлдириб 57 байтли шеърий баён келтирилади. Шеърий баённинг байтлари “Маснавий”нинг турли ҳикояларидан олинган бўлиб, мисол тариқасида қуйидаги байт билан бошланувчи 8 байти “Маснавий”нинг 1- дафтаридаги бир ҳикоядан олинган.

هر کرا جان از هوسهاگشت پاک زود ببند قصر ايوان سماک⁹⁸

Ушбу байт “Маснавий”да баъзи сўзлари билан фарқланади:

⁹⁶ “Лубби лубоб”да 1-бўлим, 1-фасл, 352-бет.

⁹⁷ “Лубби лубоб”да 2-фасл, 353-бет; “Маснавийи Маънавий”да 1-жилд, 14-бет.

⁹⁸ “Лубби лубоб”да 2-бўлим, 1-фасл, 367-бет.

“Маснавий”даги ҳикоя мазмунига кўра қуйидагича номланади:

آمدن رسول روم تا نزد عمر و دیدن او کرامت عمر را

Яъни, “Расулнинг Румга Умарнинг олдигача келиши ва Умарнинг кароматини кўриши” тўғрисида.

3) “*Маърифат*” тушунчасини баён қилишда келтирилган байт ва ҳикоялар:

Маърифат тушунчасини баён қилишда шеърий байт, масал ва ҳикоялар келтирилади. Улардаги қуйидаги байт “Маснавий”нинг 2-дафтаридagi шеърий баёндan олинган:

چار کس را داد مردی یک درم آن یکی گفت این به انگوری دهم¹⁰⁰

“Маснавий”даги ҳикоя 31 байтдан иборат бўлиб, улардан 10 байти “Лубби лубоб” асаридаги ҳикояга киритилган. Ҳикоялар мазмунан қуйидагича фарқланади:

“**Лубби лубоб**” асарида:

حکایت در بیان آنکه نشانها همه راجع بحق ست

Яъни, “Белгиларнинг ҳаммаси Оллоҳ ҳақида эканлиги” тўғрисида.

“**Маснавийи Маънавий**” асарида:

منازعت چهار کس جهت انگور که هر یکی به نام دیگر فهم کرده بود آنرا

Яъни, “Тўрт йўловчи ҳақида ривоят” ҳақида.

4) “*Фано*” тушунчасига келтирилган шеърий баён ва ҳикоялар:

Фано тушунчаси тасаввуф илмида еттинчи осмоннинг руҳий борлиғи деган тушунчани беради. Ушбу тушунчани баён қилишда шеърий байт, масал ва ҳикоялар келтирилган. Мисол тариқасида масал таркибида келтирилган шеърий байтни “Маснавий” таркибидаги шеърий байтлар билан ўхшаш ва фарқли томонларини келтириб ўтамиз. Масал 61 байтли шеърий баённи ўз ичига олиб, қуйидаги байт билан бошланувчи 8 байтни “Маснавий”нинг 3-дафтаридagi ҳикоялардан бирининг таркибидаги шеърий байтлардан олган.

⁹⁹ “Маснавийи Маънавий”да 1-жилд, 51-бет.

¹⁰⁰ “Лубби лубоб”да 3-бўлим, 1-фасл, 399-бет; “Маснавийи Маънавий”да 2-жилд, 89-бет.

Масал ва ҳикоялар мазмунан қуйидагича фарқланади:

“Лубби лубоб” асарида:

تمثيل آنکه در آب غرقه است چون روغن در شیر اگر چه تصور کنی که هست اما نیست و گرجه گمان وی که نیست اما هست و این مقدمه فناست

“Маснавийи Маънавий” асарида:

مسئله فنا و بقای درویش

Яъни, “Дарвешнинг фано ва бақо масаласи” ҳақида.

5) *Тавҳид* (توحيد) ҳақида келтирилган шеърӣ байт ва ҳикоялар:

Ушбу тушунчани баён қилишда келтирилган қуйидаги байт “Маснавий”нинг 1-дафтаридagi ҳикоялардан бирининг таркибидан олинган:

آن یکی آمد در یاری بزد گفت یارش کیستی ای معتمد¹⁰²

Ушбу ҳикоя 21 байтдан иборат бўлиб, 10 байти “Лубби лубоб” асарида тавҳид тушунчасини баён қилишда келтирилган ҳикоянинг таркибига киритилган. Ушбу ҳикоя эса 31 байтни ўз ичига олиб, 10 байтдан қолган бошқа байтлари “Маснавий”нинг бошқа қисмидаги ҳикояларнинг таркибидан олиб, бир ҳикоя тарзида ёзилган. Ҳикоялар мазмунан қуйидагича номланади:

“Лубби лубоб” асарида:

حكايت در بيان هر که صاحب و مامنست در داروخانه وحدت راه ندارد

“Маснавийи Маънавий” асарида:

قصه ی آن کس که در یاری بکوفت از درون گفت کیست گفت منم، گفت چون توتیی در نمی گشایم هیچ کس را از یاران نمی شناسم که او من باشد

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Кошифӣй шариат, тариқат ва ҳақиқатни баён қилиш учун “Маснавий”нинг турли жилдларидаги шу масалаларга тааллуқли байтларни жамлаган ва уларни батартиб ҳолда жойлаштирган. Баъзан эса шу байтларни ўз шеърлари билан шарҳлаган. “Маснавий”даги шариат, тариқат ва ҳақиқатга оид фикрларни бир ерга жамлаш орқали ўқувчиларга унинг тушунилишини осонлаштирган. Румий

¹⁰¹ “Лубби лубоб”да 3-бўлим, 2-фасл, 401-бет; “Маснавийи Маънавий”да 3-жилд, 121- бет.

¹⁰² “Лубби лубоб”да 3-бўлим, 3-фасл, 401-бет; “Маснавийи Маънавий”да 1-жилд, 95-бет.

шеърларини келтириш билан бирга ундаги масалаларга нисбатан ўз фикрларини ҳам баён қилиб берган. “Лубби лубоб”ни ўрганиш орқали нафақат Румий фикрларини, балки Кошифийнинг ижтимоий-фалсафий фикрларини, одоб – ахлоқ масалаларига оид муносабатларини ҳам ўрганиш мумкин.

III БОБ. “ЛУББИ ЛУБОБ”НИНГ ҚЎЛЁЗМА ВА ТОШБОСМА НУСХАЛАРИ

3.1. “Лубби лубоб”нинг ЎзРФАШИ фондида сақланаётган қўлёзма нусхалари

“Лубби лубоб” асарининг тўлиқ номи “Лубби лубоби маънавий фи интихоби маснавий” бўлиб, 875/1470 йилда Мавлавий Жалолиддин Румийнинг (ваф.672/1273) маснавийларига қисқа шарҳ шаклида ёзилган форс тилидаги асар. Феҳристларда “Шарҳи Маснавий” ёки “Жавоҳир ул-асрор” номлари билан ҳам учрайди.¹⁰³

Бундан ташқари бир нечта қўлёзма нусхалари дунё фондларида мавжудлиги айрим феҳрист китобларида қайд қилинган.¹⁰⁴ Тошбосма нашри 1886 йили Бомбайда амалга оширилгани ҳам маълум.

“Лубби лубоби Маснавий” асари Мавлоно Жалолиддин Румий (604/1207-672-1273)нинг 6 жилддан иборат “Маснавийи маънавий” асарининг қисқартмасидан иборат.

Муаллиф бундан аввал “Лубоб ул-маънавий фи интихоб ил-Маснавий” (“Маснавийнинг интихоби борасида маънавий мағзлар”) китобини ёзган бўлиб, кейинчалик дўстларининг илтимоси билан уни қисқартириб “Лубби лубоби Маснавий” деб атаган.

ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида асарнинг ўн битта қўлёзмаси мавжуд.¹⁰⁵ Уларнинг тавсифи қуйидагилардан иборат:

1) 10140 рақамли нусха. 1118/1706 йилда ҳинд насталиқ хатида кўчирилган. 250 varaқдан иборат. Бошланиши йўқ. Қайта муқовалаш пайтида varaқлар ўрни алмашиб кетган. Калафон (энг охирги varaғи)да қизил сиёҳда номаълум кишининг хати билан форс тилида қуйидаги жумла ёзилган:

¹⁰³ Ҳожи Халифа Маснавийларга қисқартма шаклида ёзилган асарни “Жавоҳир ул-асрор ва завоҳир ул-анвор” деб атайди. Қаранг Кашф аз-зунун. Ж.1.–Б.408.

¹⁰⁴ Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей. –Л., 1962. –С. 102.

¹⁰⁵ Ҳусайн Воиз Кошифий. Лубби лубоб маснавий. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№10140, 1453/II, 3041/I (СВР I.П. –М., 1952. –С.72. №902-903).

“Лубби лубоб” асарининг бу нусхаси ҳазрати пири дастгири равшанзамир, сохиби зиёғўзин, мухсин уз-замон ва марфаъ ул-омон, мукаррими ахлоқи Худовандий буйруғи билан тузатилган ва текширилган ҳолда кўчирилган”.

Шундан сўнг 1119/1707 йил санаси қўйилган. Айрим саҳифалари йиртилган бўлиб, қайта таъмирланган. Баъзи саҳифаларнинг хошияларида тушиб қолган сўзлар ва изоҳлар берилган. Котиби номаълум. Қуйидаги жумла билан бошланади:

چيست دنیا از خدا غافل شدن بی قماش و نقروفرزند و زن

Ўлчами: 12,5 см × 22,5 см. Ҳар бир саҳифада 19тадан сатр жойлашган, сатрнинг узунлиги 8 см, муқоваси қалин картондан ишланган бўлиб, 3та босма нақш урилган.

2) 1453/II рақамли нусха. 985/1577 йилда насх хати билан кўчирилган. Ушбу қўлёзма нусха асарнинг 108-бетидан бошланиб, қўлёзманинг биринчи бетига котибнинг қўли билан қуйидаги сўзлар ёзилган:

هذا الكتاب المثنوى

Саҳифанинг бошқа ерларига ҳадислардан намуналар берилган. Қўлёзма уринган бўлиб, баъзи варақлари йиртилган ва ўрнидан кўчган қўлёзманинг биринчи етти варағининг хошияларида Ж.Румийнинг ғазалларидан намуналар келтирилган. Матн насх хатида кўчирилган. Шеърлар қора тушда ёзилган бўлиб, сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган. “Лубби лубоб” қўлёзманинг 108-379 бетларидан ўрин олган. Қўлёзманинг охирида унинг 985 ҳижрийда Мавлоно Фатҳий ибн Мавлоно Хулқий томонидан кўчирилгани қайд қилинган. Қўлёзма ҳақида СВРнинг II томида қисқача маълумот кўчирилган.¹⁰⁶ Ўлчами 17×24 см бўлиб, ҳар бир саҳифада 19тадан сатр жойлашган. 243 варақдан иборат.

3) 3041/I рақамли нусха. Бу нусха дастлаб Бухоро халқ маориф назоратининг марказий қироатхонасида 1243 рақами билан сақланган. “Лубби лубоб” 1-бетдан 199-варақлар оралиғида жойлашган. Хати

¹⁰⁶ Собрание Восточный рукописей. Академия наук. Узбекский СССР. Том II. №902. –Т., 1952.

насталиқда бўлиб, шеърлар қора тушда, сарлавҳалар қизил тушда ёзилган. Қўлёзма тўлиқ сақланган. 199-бетда қўлёзма 1130/1717 йили кўчирилгани ёзилган. Кўчириш жойи Ёркент шахри. Котиби Шохрух Ўрдабий. Китобни эгаси эса Садриддин эканлиги шеър билан ёзиб қўйилган. Қўлёзманинг қисқа тавсифи СВР II да берилган.¹⁰⁷ Ўлчами: 10,5×19 см бўлиб, ҳар бир саҳифада 15тадан сатр жойлашган.

4) 3546/III рақамли нусха. Ҳиротда ёзилган бўлиб, ёзилган йили, кўчирилган йили ва котиби номаълум. Насталиқ хатида ёзилган ва тили форс тилида. Қўлёзма нусха 247 varaқдан иборат. 120-varaқдан матн жадвалга олинган ҳолда ёзилган. Қолган varaқларида сатрлар сони бир хилда эмас. Сатрнинг узунлиги 9 см, жадваллар энига 10,5см, бўйига 19,5 см. Фақатгина иқтибослар келтирилган жадвалларнинг бўйи 16 ва 8 см. Муқоваси қалин картондан ишланган бўлиб, 3та босма нақш урилган. Муқованинг ички томонига, бошига ва охирига керакли маълумотлар ёзиб қолдирилган. Баъзи varaқлари йиртилган бўлиб, баъзилари қайта таъмирланган. Ўлчами 14,5×25,5 см бўлиб, 19 сатрдан иборат.

5) 11565/XX рақамли нусха. Бу нусха бир нечта рисолянинг тўпламидан иборат бўлган қўлёзма асар ҳисобланади. Асар 20та рисоля тўпламидан иборат бўлиб, 20-қисмига “Лубби лубоб” асари киритилган. Ушбу тўпланда асарга жуда қисқа, 29 varaқдан иборат маълумот киритилган.

Ушбу тўплам 979/1571 йили насталиқ хатида кўчирилган. Уни кўчирган котиб, ёзилган ери ва йиллари номаълум. Тўплам жами 360 varaқдан иборат бўлиб, таркибидаги матн тўрт устундан иборат жадвалга олиб ёзилган. Бош қисмига Шайх Саъдий Шерозийнинг қасидаларидан намуналар киритилган. Қолган кўпчилик қисми ҳикоят ва ривоятлардан иборат бўлган рисолялар ҳисобланади. Муқоваси қалин картондан ишланган бўлиб, муқовадан кейинги биринчи varaғига қора тушда озгина маълумот ёзиб қолдирилган. Ўлчами 23,5×28,5 см, таркибида ёзилган матнлар 25 сатрдан иборат.

¹⁰⁷ Ўша асар.

6) 11681 рақамли нусха. 1121/1709 йили кўчирилган. Котиби номаълум. Қаерда ёзилганлиги ва кўчирилганлиги номаълум. Қўлёзма асар насталиқ ёзувида ёзилган бўлиб, 563 varaқ ва 15та сатрдан иборат. Ўлчами 12,5×20,5 см. Ушбу қўлёзма икки асар тўплами ҳолида яратилган. Китобнинг муқовадан кейинги биринчи бетига “Талаб қилинган икки рисоланинг тўплами” деб ёзиб қўйилган. Иккинчи қисмига “Лубби лубоб” асари киритилган. Ҳар бир бетига пойғирлар қўйилган. Матн қора рангда, сарлавҳалар қизил рангда ёзилган. Баъзи varaқлари йиртилган бўлиб, қайта таъмирланган. Муқоваси қалин картондан қилинган бўлиб, ўртасига 3та босма нақш ва чекка жойларига 6та нақш туширилган.

7) 9600/I рақамли нусха. Ёзилган ери ва йили, кўчирилган йили ва котиби ҳам номаълум. Ушбу қўлёзма нусха насталиқ хатида тожик тилида ёзилган. 210 varaқ, 235 бет ва 15 сатрдан иборат. Сукутли. Ўлчами 12×20 см. Асардаги матн қора тушда ёзилган бўлиб, сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзиб ажратиб кўрсатилган. Матннинг хат бошидан ёзилган қисмини кўрсатиш учун хат боши бошланувчи сўзга « белгиси билан қизил рангда ажратиб кўрсатилган. Асарга фард ва рубойий ҳам киритилган бўлиб, улар тўрт нуқтали белги билан ажратиб кўрсатилган. Келтирилган оят ва ҳадисларнинг устига қизил рангда узун чизик билан ажратиб қўйилган. Ҳар бир саҳифага пойғирлари келтириб ўтилган. 211, 212, 213-саҳифаларига матн ёзилмаган, яъни саҳифалар бўш қолдириб кетилган. 213 ва 214-бетларида матн устида доғлари мавжуд. Айнан мана шу бетдан бошқа асарнинг шеърӣ байтларидан парчалар келтирилади.

8) 2227 рақамли нусха. 875 йили Ҳиротда ёзилган. 882 йили Дарвеш Муҳаммад Тоқӣй томонидан кўчирилган. Насталиқ хатида ёзилган бўлиб, 282 varaқ, 16 сатрдан иборат. Ўлчами 12×19,5 см. Асарнинг бошида, яъни муқовадан кейинги биринчи бетига асарнинг мундарижаси берилган. Матн жадвалга олинган бўлиб, ўлчами 6,5×12,5 см. Матн қора рангли сиёҳда ёзилган. Сарлавҳалар, яъни боб, бўлим ва фаслларнинг баъзилари қизил, баъзилари кўк ва баъзилари тилла рангли сиёҳда ёзилган. Жадвалларни

четидаги рамкаларига тилла рангли сиёҳ юргизиб чиқилган. Хат бошидан келган жумлалар « белгиси билан ажратиб кўрсатилган. Оятлар араб тилида берилиб, улардаги қисқа унлиларнинг белгилари қизил рангли сиёҳда ажратиб ёзилган. 129-бетда қора доғи бор. Охирги варақларида ҳам бир неча доғлари мавжуд. Муқоваси қалин картондан қилинган.

9) 5585 рақамли нусха. Мазкур нусха 909 йили ёзилган бўлиб, қаерда ёзилганлиги номаълум. 1320 йили Мирзо Муҳаммад Азиз томонидан кўчирилган. Насталиқ хатида ёзилган бўлиб, 152 варақ, 11та сатрдан ташкил топган. Ўлчами 13,5×21,5 см. Матн жадвалларга олинган бўлиб, жадвалларнинг рамкаларига тилла рангли сиёҳ юргизиб чиқилган. Матн қора рангли сиёҳда ёзилган. Қизил рангда фақатгина хат бошидан бошланган жумлаларнинг устига қўйилган. Қўлёзма варақларининг қоғозлари ранг-барангда бўлиб, улар мовий, зангори, пушти, сиёҳ ранг каби турли ранглардан яратилган. Асардаги бўлим ва фаслларнинг барчаси боб деб берилган. Сарлавҳалар йирик ҳарфлар билан тўқ қора рангда ажратиб кўрсатилган. Жадвалларнинг ўлчами 9×17 см.

10) 7401 рақамли нусха. Қачон ва қаерда ёзилганлиги номаълум. Қачон кўчирилганлиги ва котиби ҳам номаълум. Ушбу қўлёзма нусха 146 варақ, 15 сатрдан иборат. Насталиқ хатида ёзилган. Қўлёзма асарнинг боши ва охири йўқ. Ўлчами 14×21,5 см.

Ушбу қўлёзма асарда матн жадвалларга олинган бўлиб, насрий баёнлар битта жадвалга, шеърий баёнлар иккита жадвалга олинган. Матн қора рангда, сарлавҳалар қизил рангда ёзилган. Баъзи варақлари йиртилган бўлиб, баъзилари қайта таъмирланган. Баъзи варақларида доғлари ҳам бор. Охирги муқовадан олдинги 3-4 варақларида қора тушда баъзи керакли маълумотлар ёзиб қолдирилган. Жадвалларнинг ўлчами 8×14 см. Муқоваси қалин картондан қилинган бўлиб, 3та босма нақш туширилган.

11) 11162/II рақамли нусха. Ёзилган ери ва йили номаълум. Қачон ва ким томонидан кўчирилганлиги ҳам номаълум. Насталиқ хати билан ёзилган. 55-58 варақдан иборат бўлиб, 18 сатрдан иборат. Ўлчами 14,5×25 см.

Ушбу қўлёзма бир нечта асарлар тўпламидан иборат. “Лубби лубоб” асари қўлёзма тўпамнинг учинчи асари бўлиб келади. Асар қўлёзманинг 55-саҳифасидан бошланиб, 58-бетда тугатилади. Жами 3 вароғдан иборат. Унда қисқа шеърӣ байтдан парчалар келтирилади.

3.2. “Лубби лубоб”нинг тошбосма нусхалари

ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида асарнинг 2та тошбосма нусхаси мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) 13397 рақамли нусха. 1886 йили Бомбейда нашр қилинган. Ушбу босма нашрнинг ношири Қози Фатҳ Муҳаммад. Тошбосма асар 428 varaқдан иборат бўлиб, бошидаги 4 varaғи, яъни 3-бетдан 10-бетгача бўлган саҳифалари йўқ. Ўлчами 25×15 см. Биринчи бетида кириш қисми бўлиб, ундан кейинги вароғлари йўқолган. Кириш қисмининг давоми 11-бетдан, яъни 2-наътдан бошланиб кетади. Наътлардан олдин муножотлар ҳам бўлиб, саҳифалари йўқолганлиги сабабли улар учратилмайди. Баъзи чекка жойларидаги йиртилган varaқлари қайта таъмирланган. Асарда келтириб ўтилган маълумот ва таърифий баёнлар битта жадвалга, шеърӣ баёнлар икки жадвалга олиб ёзилган. Сарлавҳалар матндан ажратилган ҳолда тўқ қора рангда ёзилган. Асарга шеърӣ баёндан ташқари фард ва рубоийлар ҳам киритилган. Асарнинг охириги бетига асарнинг муаллифи Кошифӣ эканлиги, ҳамда асарни абадий ҳаёт сарчашмаси сифатида жуда ҳам ноёб китоб эканлиги қайд этиб ўтилади. Шу боис ушбу асарни чоп эттириш жуда ҳам катта ва яхши иш бўлиши борасида кўплаб таклифлар тушганлиги ҳақида маълумотлар берилади. Ундан ташқари асарни чоп қилишда ундаги хато кетган ҳарф ёки жумлаларни тузатиб, қайта кўриб чиқиб сўнг чоп қилиш ишлари амалга оширилганлиги боис ушбу жараён жуда узоққа чўзилиб кетганлиги борасида ҳам айтиб ўтилади. Бу ишларга бош бўлиб ноширлик қилганлар ака-ука Қози Фатҳ Муҳаммад ва Қози Абдулкаримлар эканлиги ва чоп қилиш ишларида қатнашган баъзи бир шахсларнинг номлари зикр этилади.

2) 5026 рақамли нусха. Ушбу нусха Бомбейда чоп қилинган бўлиб, нечанчи йилда чоп қилинганлиги номаълум. Ношири Нуролиддин бин Живоҳон. Ҳажми 456 варақдан иборат бўлиб, таркибидаги матн 19 сатрдан ташкил топган. Ўлчами 25×15 см. Асарнинг барча варақлари сақланган. Асар кириш қисми билан бошланиб, унда асар ҳақида ва унинг тузилиш тўғрисида қисқача маълумот берилади. Унинг давомидан муножот ва наътлар ҳам келтирилади. Асарнинг охириги бетига ҳам асар ҳақида қисқа маълумотлар берилган бўлиб, унда асарнинг энг қадимий нусхасидан, яъни ёзилганига 100 йилдан ошiq вақт бўлган қадимий нусхасидан нусха олиб ушбу босма нашр тайёрланганлиги ҳақида ёзиб қўйилган. Асарнинг ушбу тошбосма нусхаси босмахона ходимларидан бири бўлган Насриддин Соҳиб Дарсаҳиҳнинг буйруғи билан кўчириб чоп қилинган. Асарда келтириб ўтилган маълумот ва таърифий баёнлар битта жадвалга, шеърий баёнлар икки жадвалга олиб ёзилган. Сарлавҳалар матндан ажратилган ҳолда тўқ қора рангда ёзилган. Асарга шеърий баёндан ташқари фард ва рубоийлар ҳам киритилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ҳусайн Воиз Кошифий ўз даври маданий ҳаётининг барча соҳалари учун керакли ва қимматли бўлган асарларни яратди ва бу улкан иши орқали нафақат ўз даври маънавий хазинасини бойитди, балки бугунги кунимизнинг маданий ҳаётини юксалтиришига олиб келди. Бу хазинамиздаги қимматли манбалар эса юртимизни бутун дунёга танилишига туртки бўлди.

ХУЛОСА

XIV-XV асрларга келиб тасаввуф илми Шарқда кенг тарқалиб кетди. У ўзининг таъсирини адабиётга чуқур ўтказди. Хусусан, Эронда тасаввуфий адабиёт, айниқса, шеърият олий босқичга кўтарилади ва бутун дунёга донғи кетган сўфий шоирлар майдонга келади. Дастлабки форс адабиёти тарихида Абу Саид Абулхайр Маҳнаий, Бобо Кухий, Бобо Тохир Урён каби шоирлар биринчилардан бўлиб, тасаввуф поэзиясини бошлаб бердилар. Ундан кейинги даврларга келиб эса тасаввуф таълимоти шундай кенг тарқалиб кетдики, форсий адабиёт икки катта оқимга бўлиниб ривожланди. Улардан тасаввуф адабиёти ажралиб, ўз йўлида тараккий этди. Тасаввуф таъсиридан батамом ҳоли шоирни топиш амри маҳол эди. Натижада жаҳон адабиёти хазинасига ноёб дурдоналар қўша олган шоир ва алломалар пайдо бўлди. Уларнинг ижоди нафақат шарқ адабиётига, балки Ғарб адабиётига ҳам катта таъсир кўрсатди. Кейинчалик ушбу тасаввуф адабиётининг ривожига буюк алломалардан бири Жалолиддин Румий ўзининг ноёб асарларидан бири бўлган “Маснавийи Маънавий” асари билан катта таъсир кўрсатади. Асарда муаллиф ўзининг тасаввуф таълимотини баён қилади. Бу таълимот фолклордан олинган бир қатор масаллар, ҳикоятлар, латифалар ва турли туман тамсиллар орқали баён қилинган. Натижада барча тасаввуф илмининг аҳллари “Маснавий”ни ўрганишга иштиёқлари кучайиб кетади. Шу боис ўша даврларда асарни тасаввуф таълимотининг қомуси, деб атайдилар. Асар Шарқ фалсафаси билан бирга Ғарб фалсафасига ҳам катта таъсир кўрсатади. “Маснавий”нинг кучли таъсири натижасида унга ўхшаш кўплаб асарлар яратилади. Ушбу асарлар қаторига эса Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Лубби лубоби Маснавий” асари киритилади.

XV асрга келиб Мовароуннаҳр ва Хуросонда тасаввуф – хусусан, Нақшбандия таълимоти кенг тарқалади. Темур ва темурий шахзодалар, кўп олим-фозиллар, хунармандлар нақшбандия таълимотидан озуқа олдилар, ўз фаолиятлари, ижодлари билан уни ҳар томонлама бойитдилар.

Марказий Осиёда XI асрдан бошлаб ёйила бошлаган тасаввуф таълимоти, бу даврга келиб Хуросонда тасаввуфнинг яссавий, кубровия, қодирия ва айникса, нақшбандия тариқати маънавий ҳаётда катта рол ўйнайди. Марказий Осиёда кенг тарқалаётган тасаввуф таълимотининг Суфи, Порсо, Чархий, Махдуми Аъзам, Хожа Ахрор каби йирик вақллари нақшбандия тариқатига оид қатор рисоалар яратиш билан бирга, жамиятнинг маънавий покланиши ва ривожланиши йўлида фаол хизмат қилдилар, таниқли арбоблар билан мулоқотда бўлиб, уларга таъсир ўтказдилар. Бу жиҳатдан, айникса, Хожа Ахрор фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Навоий, Жомий, Қосимий, Лутфий, Бобур каби шоирлар тасаввуфни тарғиб қилдилар. Ўз даврининг илғор ижтимоий ва ахлоқий фикрлари бадиий адабиётда, тасаввуф шеърлятида, назм ва насрда, ғазал ва рубоийларда муфассал баён қилина бошланди. Навоий, Жомий, Лутфий, Биноий, Қосими Анвар ва бошқаларнинг бадиий асарлари бой фалсафий ва ахлоқий мазмунга эгадир. Бу даврда ахлоқ ва таълим-тарбия муаммоларига бағишланган махсус рисоалар пайдо бўлдики, уларнинг орасида Хусайн Воиз Кашифийнинг мероси алоҳида ўрин эгаллайди. У барча фан соҳаларига оид 200 га яқин асарлар яратган бўлиб, асарларининг кўпчилик қисми ижтимоий-ахлоқий ҳаёт, маънавият масалалари, етук инсонни тарбиялаш муаммолари, инсонпарварлик, халқпарварлик, юқори маънавиятга эга бўлиш ғояларини илгари суради. Мана шу жиҳатлари билан ҳам Кошифий Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарига катта эътибор қаратади. Яна бир эътиборли томони шундаки, ўша замон аллома ва донишмандларининг “Маснавий”да тарғиб қилинувчи тасаввуф таълимотига катта қизиқишларидадир. Шу боис улар Кошифийдан асарни ўрганилишини осонлаштириб беришини илтимос қиладилар. Чунки “Маснавийи Маънавий” жуда катта ҳажмдаги 6 жилддан иборат асар бўлганлиги боис, уни ўрганиб чиқиш жуда катта вақт сарфланишига олиб келарди. Шу боис Кошифий бундай катта ва маъсулиятли ишга қўл уриб ўзининг “Лубби лубоби Маснавий” асарини яратади. Биз ушбу тадқиқот ишимиз орқали Кошифийнинг “Лубби лубоби

Маснавий” асарини Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарини ўрганишда канчалик муҳим ўрин тутишини асослаб бердик.

Кошифийнинг асари ўрганиб чиқилиши ва “Маснавийи Маънавий” асари билан солиштириш таҳлиллари асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Кошифийнинг “Лубби лубоби Маснавий” асари Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарини ўрганиш бўйича муҳим манба сифатида хизмат қилувчи энг қадрли асардир; бу асар орқали “Маснавийи Маънавий” асари қандай асар эканлигини ҳамда унда баён қилинувчи керакли масалалар борасида қўплаб қизиқарли фактларни топиш мумкин.

2. Кошифийнинг асари билан Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарлари орасида жуда ҳам катта фарқ мавжуд. “Маснавийи Маънавий” асарида тасаввуф масалалари фақатгина ҳикоят, масал ва ривоятлар орқали ёритиб борилган ва улар 6 жилдли китобга киритилган. Кошифий эса ўз асарида тасаввуф таълимотига оид масалаларни тартиб билан, яъни шариат, тариқат ва ҳақиқатни баён қилиш учун асарни бобларга ажратган ва уларни битта жилдли китобга бирлаштирган.

3. “Лубби лубоби Маснавий” асарида баён қилинувчи масалалар мазмунан бир-бирига боғлиқ ҳолда боб, бўлим ва фаслларга ажратилган. Мана шу тушунча ва масалаларни дастлаб Кошифий ўзининг фикр-мулоҳазалари билан изоҳлаб чиққан. Сўнг уларга мисол тариқасида “Маснавий”нинг турли жилдларидаги шу масалаларга тааллуқли байтларни жамлаган ва уларни батартиб ҳолда жойлаштирган. Баъзан эса шу байтларни ўз шеърлари билан шарҳлаган.

4. “Маснавий” асарида келтирилган барча ҳикоят, ривоят, масал ва ҳадисларда акс эттирилган тасаввуф таълимотининг асосий уч босқичларини, яъни шариат, тариқат ва ҳақиқатга оид фикрларни бобларга бўлиб бир ерга жамлаш орқали ўқувчиларга унинг тушунилишини осонлаштирган. Яъни бунда шариат босқичида амалга оширилувчи худога ибодат қилиш амаллари киритилади. Уларга энг аввало иймон, шаҳодат ва ибодат тушунчалари, сўнг

тахорат, намоз, рўза, закот ва ҳаж каби бажарилиши керак бўлган амаллар тўғрисида изох берилиб, давомидан “Маснавийи Маънавий” асаридан олинган ҳикоят ва ривоятларнинг таркибида келувчи шеърий байтлар келтирилади. Тариқат босқичида эса ер юзидаги лаззатлардан воз кечиб фақат худо тўғрисидагина ҳаёл суриш ва зикр қилиш борасида зарурий бўлган масалаларни, масалан, тарки дунё қилиш, яъни ейишни, гапиришни, ухлашни тарк этиб яшаш каби масалалар баён қилинади. Ҳақиқат босқичи орқали худонинг даргоҳига етишганлик даражаси кўрсатиб берилади. Бобнинг бўлим ва фаслларида ҳақиқий ва мажозий ишқ тушунчалари ҳамда фано ва маърифат масалалари баён қилинади. Уларга Румийнинг шеърлари билан ҳикоятларидан намуналар келтирилади. Кошифий Румий шеърларини келтириш билан бирга ундаги масалаларга нитсбатан ўз фикрларини ҳам баён қилиб берган.

5. Кошифий ўз асари билан Маснавийшунослик анъанасини давом эттирди. “Лубби лубоб”ни ўрганиш орқали нафақат Румий фикрларини, балки Кошифийнинг ижтимоий-фалсафий фикрларини, одоб-ахлоқ масалаларига оид муносабатларини ҳам ўрганиш мумкин. Ушбу асарларнинг иккиси ҳам халқчиллик, инсонпарварлик, ижтимоий ҳаёт, адолат, халоллик, софдиллик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик каби ғояларни баён қилади.

Шундай қилиб, Кошифийнинг “Лубби лубоби Маснавий” асари адабий меросни бойишига жуда катта ҳисса қўшган ноёб асардир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – келажак буюк давлат. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
5. Али Акбар Қазвиний. Луғатномаи Деҳхудо. –Техрон, 1334/1994.
6. Аликулов Ҳ.А. Кошифий илмий мероси ҳақида. // Шарқшунослик. –Т.: Фан, 1991. №2. –Б. 24-31.
7. Аликулов Ҳ.А. Таржима ва изохлар // Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. –Т.: Фан, 1976.
8. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 13-том. –Т.: Фан, 1992.
9. Бертельс Е.Э. Избранные труды / Навои и Джами. IV том. –М., 1965.
10. Брагинский И.С. Очерки из истории таджикской литературы. –Сталинабад, 1956.
11. Воиз Кошифий. Рисолаи Ҳотамия / Кириш сўз: Сайид Муҳаммад Нойиний. –Техрон, 1320.
12. Ғаниева С., Назаров Б. Тазкиранавислик анъаналари ва тасаввуф. –Т., 2010.
13. Жалолиддин Румий. Маснавий ҳикояларидан дарслар / 40 ҳикояга 40 шарҳ. 1-китоб. –Т.: Муҳаррир, 2010.
14. Жалолиддин Румий. Маънавий Маснавий. Форсийдан Асқар Маҳкам таржимаси. I жилд, I китоб (таржима шарҳи билан). –Т.: Шарқ, 1999.
15. Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси / Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. –Т., 2007.
16. Забихулло Сафо. Тарихи адабиёти Эрон. –Техрон, 1371/1993.
17. Исо Содиқ. Тарихи Фарҳанги Ирон. –Техрон, 1336.

- 18.Калила ва Димна. Аз руи “Анварӣ Суҳайли” Воиз Кошифи. –Душанбе: Маориф, 1979.
- 19.Камал ад-дин Хусайн Ваиз Кашифи. Бадаи ал-афкар фи санои ал-ашъор (Новые мысли о поэтическом творчестве). На персидском языке. – М.: Наука, 1977.
- 20.Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон тарбияси. Биринчи китоб. –Т., 1996.
- 21.Қуронбеков А. Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарида “ишқ”нинг маъно жиолари // Сино. –Т., 2011. №43-44. –Б. 98-125.
- 22.Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси. I китоб – 2001; II китоб – 2002.
- 23.Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. III-IV китоб. –Т.: –Тошкент-Техрон: Фан ва “Ал-Ҳудо”, 2003.
- 24.Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. V-VI китоб. –Техрон: “Ал-Ҳудо”, 2004.
- 25.Муҳаммад Али Табризий. Райҳонат ул-адаб. IV жилд. –Техрон, 1331.
- 26.Назаров Б. Маснавийшунослик анъаналари. Шарқ машъали. –Т., 2009. №1.
- 27.Огаҳий. Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асарининг ўзбекча таржимаси. 1858.
- 28.Персидско-русский словарь. В двух томах под редакции Ю.А.Рубинчика. –М., 1985.
- 29.Сайид Муҳаммад Ризодойи Жавод. Тарихи адабиёти Ирон. 1-жилд. – Исфаҳон, 1339.
- 30.Сайид Жаъфар Сажжодий. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати // Сино. –Т., 2011. №43-44. –Б. 158-174.
- 31.Собрание восточных рукописей АН УзССР. Том I, II. –М., 1952.
- 32.Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей. –Л., 1962.
- 33.Урунбаев А. Письма автографы Абдурахмана Джами из “Альбомы Навои”. –Т.: Фан, 1982.

34. Усмонова О.Р. “Ахлоқи Муҳсинӣ” Ваиза Кашифи (Тезисы доклада) // Сборник “Материалы научной конференции профессорско-преподавательского состава университета”. Сб. Научн. Трудов. –Т., 1966.
35. Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14-жилд. –Т., 1980.
36. Ўринбоев А., Ҳасанов М. Навоий замондошлари мактубларида. –Т., 1990.
37. Ҳамроева Д. “Маснавий” шарҳлари // Сино. –Т., 2008. №30. –Б. 35-41.
38. Хондамир. Хабиб ус-сияр. III жилд. III қисм. –Бомбей, 1856-1857.
39. Шомухамедов Ш. Мумтоз форс адабиёти (X-XV асарлар): Ўқув қўлланма. –Т.: 2011.
40. جلال الدين همایى. تفسير مثنوى مولوى. داستان قلعه ذات الصور يادر هوش ربا. انتشارات دانشگاه تهران. ۱۳۹۸.
41. محمد معين. فرهنگ فارسى. تهران: آدنا، ۱۳۸۱.

Диссертация ва авторефератлар

42. Ахмадов М. Мундариҷаи ғоявии баъзи бобҳои “Анварӣ Суҳайли”. Чанд мулоҳизаи адаби. Чилди 96. –Душанбе, 1973.
43. Ахмедов М. Этическая художественная проза Хусайна Ваиза Кашифи. Диссертации на соискание учёной степени доктора филологических наук. –Душанбе, 2003.
44. Бехруз М.Х. Хусайн Ваиз Кашифи и его произведение эпистолярный стиль (XIV-XV вв.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. –М., 1970.
45. Камолов Ф.А. “Чихил хадис” Абдуррахмана Джами и традиция написания сорока хадисов в персидско-таджикской литературе (до XV века). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. –Худжанд, 2012.
46. Қутибоев З.А. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг Мовароуннаҳрнинг XV асрдаги ижтимоӣ-сиёсий, маънавий ҳаётида тутган ўрни. Тарихи фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т., 1998.
47. Лутфиллаев Х.М. Хусайн Воиз Кошифийнинг “Мавоҳиби алия” асари Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётига доир муҳим манба. Тарих

фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2011.

- 48.Салими Хатлони. Проблемы поэтических образов в творчестве Джалолуддина Руми. Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора филологических наук. –Душанбе, 2009.

Қўлёзма ва босма манбалар

- 49.Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. ЎзРФАШИ ҚФ. Т.№ 14418.
50.Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№ 5340.
51.Хондамир. Ҳабиб ус-сияр. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№ 2731.
52.Хондамир. Хулосат ул-ахбор. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№ 2209.
53.Ҳусайн Воиз Кошифий. Лубби лубоби маснавий. ЎзРФАШИ ҚФ. Т.№13397, 5026.
54.Ҳусайн Воиз Кошифий. Лубби лубоби маънавий фи интиҳоби маснавий. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№1453/II, 3041/I, 10140, 3546/III, 11565/XX, 11681, 9600/I, 2227, 5585, 7401, 11162/II.
55.Ҳусайн Воиз Кошифий. Равзат уш-шухадо. ЎзРФАШИ ҚФ. Қ.№ 10622.

Интернет сайтлари

- 56.<http://edebiyat.888ubb.com/t155p15-klassik-siymalar-ozbekche>
57.http://library.tuit.uz/skanir_knigi/book/madaniyatsh/madaniyatshunoslik2.htm
58.http://mavzu.my1.ru/publ/temurijlar_davri_va_urta_asrlar_falsafasi/1-1-0-1
59.http://na-5.com/work/work_36557.html
60.http://planetadisser.com/see/dis_7700054.html
61.<http://www.lib.ua-ru.net/diss/cont/91895.html>
62.<http://www.uzvip.uz/theory/82/>
63.http://www.ziyonet.uz/uzc/people/husayn-voiz-koshifiy_uzc
64.<http://www.ketabname.com/main2/identity/?serial=1535>
65.<http://www.n-zaki.blogfa.com/post-464.aspx>